Qonun ustuvorligi — adolat va taraqqiyot mezoni!

HAYOT & QONUN

Ijtimoiy-huquqiy, siyosiy, agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal
Socio-legal, political, agrarian-economic, and popular science journal

BOSH MUHARRIR:
Mahmudxon TOIROV,
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Akmal SAIDOV,
Inson huquqlari bo'yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi direktori, akademik

Jahongir SHIRINOV,
O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Korrupsiyaga qarshi kurashish va sud-huquq masalalari qo’mitasi raisi

Ravshan MAMUTOV,
O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Agrar va suv xo‘jaligi masalalari qo‘mitasi raisi

Mirzo-Ulug'bek ABDUSALOMOV,
O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi raisi

Akmal BURXANOV,
O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktori

Abdumannop BURIYEV,
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil

Holmo'min YODGOROV,
O‘zbekiston Respublikasi Sudyalar Oliy kengashi raisi

Akrom ALIMOV,
O‘zbekiston Tadbirkorlik va fermerlikni qo‘llab-quvvatlash markazi direktori

Sirojiddin RUSTAMOV,
"HAYOT VA QONUN" MCHJ Bosh direktori, "Turon" FA faxriy a'zosi, O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

Asror MO‘MINOV,
Ma'naviy-ma'rifiy masalalar bo'yicha bosh muharrir o‘rinbosari
Surayyo AXMEDOVA,
Ijtimoiy-huquqiy va xotin-qizlar masalalari bo'yicha bosh muharrir o‘rinbosari
Ramazon RUSTAMOV,
Yoshlar masalalari bo'yicha bosh muharrir o‘rinbosari
Shukurjon JABBOROVA,
Mas’ul kotib
Yashnarbek XUSANOV,
Samarqand va Navoiy viloyatlari bo'yicha muxbir
Maxbira KARIMOVA,
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm viloyati bo'yicha muxbir
Gulnoza NABIYEVA,
Toshkent va Sirdaryo viloyati bo'yicha muxbir
Azizbek SUVONOV,
Maxsus muxbir
Diyorbek TOSHNIYOZOV,
Dizayner

Nashr O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli qarori bilan Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar ro‘yxatiga olingan.

Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan
The journal has been published since 2005

№1 [179] 2026

TAHRIR HAY’ATI RAISI :

Ilhom NASRIYEV,
O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining mas'ul xodimi, yuridik fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI A’ZOLARI:

Abdulloh UNLU,
G‘arbiy O‘rta Yer dengizi QX ITI direktori, professor (Turkiya)
Ibrahim DILER,
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)
Temirjan AYTBAEV,
Qozog‘iston Milliy FA akademigi, Qozog‘iston MAU kafedra mudiri, q.x.f.d.
Pestis VITOLD,
Grodno DAU rektori, q.x.f.d., professor, Milliy FA muxbir a'zosi, Xalqaro Vena universitetining faxriy professori (Belorussiya)
Abror OTAJONOV,
Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrasi o'qituvchisi, yuridik fanlari doktori, professor
G'ulom MIRZAYEV,
Inson huquqlari bo'yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi matbuot xizmati rahbari
Durbek MAXKAMOV,
Toshkent davlat yuridik universiteti "Fuqorolik huquqi" fakulteti dekani, yuridik fanlar nomzodi, professor
Rustam KENJAYEV,
Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasi professori, yuridik fanlar nomzodi
Azizjon XUJANAZAROV,
Toshkent Davlat yuridik universiteti "Davlat va huquq nazariyasi" sho'basi dotsenti, yu.f.f.d (PhD)
Azamat BEKMAMATOV,
Qashqadaryo viloyat Adliya boshqarmasi mas'ul xodimi
Fayzullo TOJIQULOV,
O‘zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman Kengashi apparati rahbari
Mansur MUSAYEV,
Jinoyat ishlari bo'yicha Chirchiq shahar sudining sudyasi
Alevtina KOJEVNIKOVA,
Toshkent davlat agrar universiteti, biologiya fanlari doktori, professor
Surayyo AXMEDOVA,
O‘zbekiston xalq deputatlari Chinoz tuman Kengashining Korrupsiyaga qarshi kurashish va xavfsizlik masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi raisi
Abdulla MADALIEV,
Toshkent gumanitar fanlari universiteti professori, iqtisod fanlari doktori
Abdunabi FATXULLAEV,
Toshkent davlat agrar universiteti, texnika fanlari doktori, professor
O‘ktam QO‘LDOSHEV,
Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasi mudiri (PhD)
Jursinbay BALTASHEV,
Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti assistenti, i.f.f.d.
Iroda BAKIEVA,
Fan va texnologiyalar universiteti, Iqtisodiyot kafedrasi professori, iqtisodiyot fanlari doktori
Olimjon ALLANAZAROV,
O‘simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti Surxondaryo mintaqaviy filiali katta ilmiy xodimi, q.x.f.f.d., (PhD)
Dilnoza NURALIEVA,
Toshkent davlat agrar universiteti “O‘simliklarni himoyasi va karantini” kafedrasi dotsenti
Dildora QODIROVA,
Toshkent davlat agrar universiteti Qishloq xo‘jaligi fitopatologiyasi kafedrasi assistenti
Zebo YULDASHEVA,
Toshkent davlat agrar universitetining Qishloq xo‘jaligi fitopatologiyasi kafedrasi assistenti



PREZIDENT SHAVKAT MIRZIYOYEVNING MATBUOT VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI XODIMLARIGA TABRIGI

Qadrli do‘stlar!

Siz, azizlarni – mamlakatimizning bosma va internet nashrlari, teleradiokanallar, axborot va media xizmatlarida, nashriyot va matbaa korxonalarida sidqidildan mehnat qilayotgan ijodiy va texnik xodimlarni, zahmatkash jurnalistlar, muhtaram faxriylarni kasb bayramingiz bilan chin qalbimdan tabriklayman.

Men sizlarni – yuksak bilim va salohiyatga ega, vatanparvar barcha jurnalistlarni o‘zim uchun doimiy maslakdosh, jonkuyar do‘st deb bilishimni yana bir bor izhor etaman.

Bu yil ushbu qutlug‘ ayyom milliy matbuotimiz asosi – jadid bobolarimiz tomonidan “Taraqqiy” gazetasi tashkil etilganiga 120 yil, yurtimizda radioeshittirishlar ilk bor tajriba tariqasida uzatilganiga 100 yil to‘lgan kunlarda nishonlanayotgani unga alohida shukuh bag‘ishlamoqda.

Biz bundan o‘n yil oldin demokratiya, ochiqlik va shaffoflik tamoyillari, “Inson qadri uchun, inson baxti uchun!” degan ezgu g‘oyaga tayangan holda Yangi O‘zbekistonni qurishga kirishgan edik. O‘tgan qisqa davrda ko‘p millatli xalqimizning fidokorona va sharafli

mehnati bilan bu borada ulkan yutuqlarni qo‘lga kiritdik.

Jumladan, jamiyatimizda so‘z erkinligini ta’minlash, ommaviy axborot vositalarini qo‘llab-quvvatlash, davlat organlari faoliyatining ochiqligini kengaytirish, axborot sohasini raqamlashtirish va zamonaviy mediamakonni shakllantirish borasida e’tiborga loyiq ishlar amalga oshirilmoqda.

Yaratilgan mustahkam huquqiy asos, berilgan imtiyoz va preferensiyalar natijasida sohaning moddiy-texnik bazasi mustahkamlanib, uning tarkibida xususiy sektorning ulushi yildan yilga oshib bormoqda. Hozirgi kunda qariyb 2 ming 700 ta ommaviy axborot vositalarining 67 foizi, noshirlik subyektlarining 90 foizdan ortig‘i, matbaa korxonalarining 83 foizi nodavlat sektor hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Joriy yilda nashriyotlarning ishlab chiqarish quvvati o‘tgan yilga nisbatan ikki barobar ortib, o‘rtacha 15 ming nomdagi jami 60 milliondan ortiq nusxada kitoblar nashr etildi.

Mazkur ko‘rsatkichlar mamlakatda axborot sohasini liberallashtirish, kitobxonlik madaniyatini oshirish, media faoliyatini qo‘llab-quvvatlash ishlari hamda axborot xizmatlari bozori kengayib borayotganidan dalolat beradi.

Axborot oqimi keskin ortib, dipfeyk texnologiyalari keng tarqalayotgan bugungi davrda manbalarning ishonchli ekaniga alohida e’tibor qaratish mamlakatimizda ham muhim ko‘nikmaga aylandi. Qisqa vaqtda turli media loyihalar orqali 10 ming yoshni qamrab oladigan zamonaviy ta’lim tizimi shakllantirildi.

Hurmatli ommaviy axborot vositalari xodimlari!

Biz erkin va mas’uliyatli, xalqchil jurnalistikani jamiyat va davlat rivojlanishining zarur shartlaridan biri deb bilamiz. Bu borada ommaviy axborot vositalari xodimlari faoliyati uchun imkoniyatlarni yanada kengaytirish, ularning huquq va manfaatlari himoyasini kuchaytirish, kasb mahorati va malakasini oshirish, jumladan, ijtimoiy himoyasini ta’minlash, mehnatini rag‘batlantirish, sog‘lig‘ini mustahkamlash va yashash sharoitlarini yaxshilashga qaratilgan yangi chora-tadbirlar amalga oshiriladi.

Shuningdek, O‘zbekiston Jurnalistlar uyushmasi faoliyatini takomillashtirish, uning nufuzini oshirish va islohotlar jarayonidagi ishtirokini kengaytirish zarur deb o‘ylayman. Nega deganda, tez o‘zgarayotgan bugungi davrning o‘zi ushbu jamoat birlashmasi oldiga yangi va dolzarb vazifalarni qo‘ymoqda. Jurnalistlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularga huquqiy va informatsion-texnologik yordam ko‘rsatish, har tomonlama qo‘llab-quvvatlash hamda kasbiy birdamligini ta’minlash kabi masalalarga jiddiy e’tibor qaratishni hayotning o‘zi taqozo etmoqda.

Bu borada ilk bor mamlakatimiz bo‘ylab uch oy davomida 12 mingdan ortiq soha vakillari, jumladan, yosh jurnalistlarni jalb qilgan holda o‘tkazilgan Media haftalik tadbirlarini kelgusida ham davom ettirish muhim ahamiyatga ega.

Men mamlakat rahbari sifatida milliy ommaviy axborot vositalarimiz davlat va jamiyat o‘rtasida mustahkam ko‘prik vazifasini bajarish barobarida xalqimizni umummilliy manfaatlar asosida birlashtiradigan, yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarimizni ezgu maqsadlar sari yetaklaydigan qudratli ma’naviy kuchga aylanishi uchun barcha yordam va ko‘makni ko‘rsatishga doimo tayyorman.

Muhtaram matbuot ahli!

Fursatdan foydalanib, bugungi quvonchli sana munosabati bilan yuksak davlat mukofotlariga sazovor bo‘lgan soha xodimlarini chin qalbimdan samimiy tabriklayman.

Sizlarni kasb bayramingiz bilan yana bir bor qutlab, barchangizga mustahkam sog‘liq, oilaviy baxt-saodat, faoliyatingizda yangi muvaffaqiyatlar tilayman.

Qalamingiz hamisha o‘tkir, so‘zingiz haqqoniy va ta’sirchan, ijodingiz barakali bo‘lsin!

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ХИТОЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИГА ЯҚИН НУҚТАИ НАЗАРДАН ЁНДАШАДИ

14 май куни Тошкентда Хитойнинг Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармаси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўзаро ҳамкорликда ташкил этган “Хитой — Марказий Осиё – 2026” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг давлат тузилмалари, эксперт ва илмий ҳамжамиятлари, ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг 100 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Форумнинг очилиш маросимида Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ривожланаётган давлатлар сифатида барқарор ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларини илгари суриш масалаларида ўхшаш ёндашувларга эга экани таъкидланди.

Хитойда “Узоқдаги қариндошдан яқин қўшни яхши”, дея кўп такрорлашади. Бу эътирофни Хитойнинг Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармаси вице-президенти ва бош котиби Ли Хункуй ўз табрик сўзида алоҳида қайд этди.

“Сўнгги йилларда Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Ўтган йили бўлиб ўтган “Хитой – Марказий Осиё” иккинчи саммитида ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Марказий Осиёдаги беш давлат раҳбарлари ўзаро ҳурмат, ишонч, манфаатдорлик ва қўллаб-қувватлашга асосланган “Хитой – Марказий Осиё” руҳини илгари суришга, шунингдек, янада яқинроқ Хитой – Марказий Осиё тақдири муштарак ҳамжамиятини биргаликда қуришга бир овоздан қарор қилди”, –





деди Хитой делегацияси раҳбари.

Нотиқ таъкидлаганидек, бу галги Форум учун “Юқори сифатли ривожланиш орқали инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тараққиётни биргаликда рағбатлантириш” мавзуси танлангани бежиз эмас.

Бундай ёндашув Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлик орқали тараққиётга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқлари ривожланишининг янги уфқларини биргаликда очиш йўлидан оғишмай боришини қўллаб-қувватлайди.

“Раис Си Цзиньпин қайд этганидек, Хитой модернизациясининг негизида халқ фаровонлиги ётибди. Биз инсонларнинг бахтли ҳаёти – энг улуғ инсоний ҳуқуқ деб ҳисоблаймиз”, — деди Ли Хункуй. У Хитой ва Марказий Осиёнинг беш давлати ривожланаётган мамлакатлар ва модернизация йўлидаги ҳамкорлар эканини таъкидлади.

“Инсон ҳуқуқларини ривожлантиришга оид ёндашувларимиз ва уларни амалга ошириш йўлларимизда ўхшашликлар кўп. Биз олти мамлакат халқларининг умумий фаровонликка интилишларига муносиб жавоб қайтаришимиз, тараққиёт амалиётига инсон манфаатларини кўзлайдиган ёндашувни жорий этишимиз керак”, — деди Хитой Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармаси бош котиби.

“Қашшоқликни камайтириш, бандлик, таълим, тиббиёт каби соҳаларга эътибор қаратиб, амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Токи янада кўпроқ одамлар бахт, ишонч ва хавфсизликни ҳис қилсин ҳамда инсон ҳуқуқлари ривожланиши самараларидан баҳраманд бўлсин”, — деб таъкидлади нотиқ.

Шунингдек, у яшил трансформацияни илгари суриш ва инсон ҳуқуқлари ривожланишининг янги саҳифасини биргаликда ёзиш зарурлигини қайд этди. Қулай экологик муҳит – энг адолатли ижтимоий неъмат ва халқ фаровонлигининг энг муҳим таркибий қисмидир.

“Биз “яшил”, кам углеродли ривожланиш модернизациянинг асосий элементи ҳамда инсон ҳуқуқларини илгари суриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барқарор тараққиётнинг ягона йўли эканини тобора кўпроқ англаб етмоқдамиз”, — деди Ли Хункуй.

У, шунингдек, замонавий дунёда технологияларнинг ўрни ҳамда шу муносабат билан инсон ҳуқуқларини ривожлантиришнинг янги салоҳиятини очиш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, инсонга йўналтирилганлик ва технологияларни ин-



сон манфаатлари йўлида қўллаш тамойилига амал қилиш, рақамли бошқарувни такомиллаштириш ҳамда технологик жараён инсоннинг эркин ва ҳар томонлама камол топишига хизмат қилишини, рақамли дивидендлар эса барча халқлар учун очиқ бўлишини таъминлаш зарур.

Инсон ҳуқуқларини ривожлантиришда, — дея таъкидлади Ли Хункуй, — ҳақиқий кўп томонламаликни ёқлаш, инсон ҳуқуқлари масалаларининг сиёсийлаштирилишига қарши чиқиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги глобал бошқарувни такомиллаштиришни биргаликда илгари суриш муҳим.

– Марказий Осиё давлатлари ва Хитой учун инсон ҳуқуқлари масалалари аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, қашшоқликни қисқартириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ўз табрик сўзи аввалида шу фикрларни алоҳида таъкидлади.

Акмал Саидовнинг фикрича, бугунги кунда юксак даражадаги ривожланиш инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Бандлик, ижтимоий ҳимоя, замонавий таълим олиш, тиббий ёрдам ва хавфсиз атроф-муҳитдан баҳраманд бўлиш масалалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқишига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда кўп жиҳатдан жамият барқарорлигини белгилайди. Шу маънода, инсон ҳуқуқларини илгари суришни ривожланиш вазифаларидан ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

Миллий марказ директори Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой учун ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари тобора чамбарчас боғланиб бораётганини қайд этди. Айнан шунинг учун ҳам инсон капиталини мустаҳкамлаш, билим ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, оила, ёшлар ва аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инсоннинг муносиб ва хавфсиз ҳаёти учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган

вазифалар диққат марказида турибди.

А. Саидов ўз нутқида бугунги кунда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари инсон ҳуқуқлари масалаларига минтақадаги умумий тараққиёт вазифасининг бир қисми сифатида ўхшаш нуқтаи назардан ёндашаётганини алоҳида таъкидлади.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь Форум иштирокчиларини қутлар экан, Хитой ва Марказий Осиё ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликдан манфаатдор бўлган барчага самимий миннатдорлик изҳор этди.

«Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини умумий тоғу дарёлар бирлаштириб туради. Халқларимизнинг қалби бир-бирига яқин. Икки минг йилдан зиёд вақт давомида Буюк ипак йўли мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик учун мустаҳкам пойдевор яратди. Сўнгги ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Хитой ва Марказий Осиёнинг беш давлати ўртасида юксак даражадаги стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди», — деди дипломатик ваколатхона раҳбари.

«Инсон ҳуқуқлари бутун инсоният умумий қадриятларининг муҳим таркибий қисмидир. Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари “Глобал Жануб” тоифасига киради ва бизнинг олдимизда иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳоли турмушини яхшилашдек умумий вазифалар турибди. Мамлакатларимиз ўртасида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича кенг консенсусга эришилган. Биз инсон манфаатлари устувор бўлган тараққиёт концепциясига содиқмиз, яшаш ва ривожланиш ҳуқуқини инсоннинг энг асосий, биринчи даражали ҳуқуқлари деб биламиз», — деди Хитой элчиси.

У, шунингдек, Хитой ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ўтган йили Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаол кўмагида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва таъминлашга оид асарининг ўзбек тилидаги нашри чоп этилди. «Ушбу воқеа ҳамкорлигимиз тарихида муҳим босқич бўлди», — дея қайд этди Юй Цзюнь.

Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топши-риқлар бўйича элчиси Аля Надиркулова ўз нутқида таъкидлаганидек, “Хитой – Марказий Осиё – 2026” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш форуми минтақада ва унинг ташқарисида кўп томонлама ҳамкорлик, ўзаро англашув, маданий хилма-хилликка ҳурмат ҳамда инсон ҳуқуқларини илгари суришга бўлган умумий садоқатни мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган муҳим мулоқот майдонига айланди.

“Марказий Осиё ва Хитойни ўзаро ҳурмат, ишонч ва стратегик шерикликка асосланган кўп йиллик ҳамкорлик боғлаб туради. Бизнинг ҳамкорлигимиз савдо, таълим, маданий алмашинув ва минтақавий ривожланиш каби кенг қамровли йўналишларни ўз ичига олади. Биз Хитойнинг инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш соҳасидаги ютуқларини, шунингдек, барча давлатлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро майдонлардаги фаолиятини юқори баҳолаймиз”, — деди Қозоғистон делегацияси раҳбари.

У Хитойнинг ўта қашшоқликка барҳам беришда улкан натижаларга эришганини, 2020 йилга келиб қарийб 800 миллион кишини камбағалликдан чиқарганини алоҳида таъкидлади. Бу натижа инсон ҳуқуқларини барқарор равишда илгари суриш учун иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар нақадар муҳим эканини кўрсатади.

Аля Надиркулова Форум иштирокчиларини ўз мамлакатининг сўнгги ютуқлари, хусусан, яқинда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган ва жорий йилнинг июль ойида кучга кирадиган Қозоғистоннинг янги Конституцияси билан таништирди. “Давлат раҳбари Қосим-Жўмарт Тоқаев амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало инсон ҳуқуқларини илгари суриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлади”, — деди нотиқ.

Шунингдек, Аля Надиркулова Қозоғистон ташаббусларини қўллаб-



қувватлагани учун Хитой ва Ўзбекистонга самимий миннатдорлик билдирди.

Бу ўринда, хусусан, Олмаотада “БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) бўйича минтақавий хабини ташкил этиш тўғрисида”ги резолюция, шунингдек, Қозоғистон томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этилган резолюция лойиҳалари – Марказий Осиёнинг “Ҳар бир боланинг тинчлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш” номли биринчи резолюцияси ҳамда “Оиладаги зўравонликка барҳам бериш” масаласига доир резолюция қўллаб-қувватлангани ҳақида сўз бормоқда.

Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Форумда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кун тартиби тобора кенг қамровли тус олаётганини таъкидлади. У нафақат эркинликларни ҳимоя қилиш масалаларини, балки барқарор ривожланиш, ижтимоий фаровонлик, рақамли трансформация, экологик хавфсизлик каби муҳим йўналишларни ҳам қамраб олмоқда.

Туркманистон Омбудсмани Аппаратининг хусусий секторда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўлими бош маслаҳатчиси Алланур Қодиров ўз маърузасида табиий ҳуқуқнинг асосий унсури сифатида инсоннинг экологик ҳуқуқлари ҳақида сўз юритди.

«Бугунги кунда, глобаллашув жараёнлари ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган бир пайтда, инсоннинг экологик ҳуқуқлари табиий ҳуқуқнинг асосий унсури сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Уларни ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш эндиликда жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда», — дея таъкидлади нотиқ.

Алланур Қодировнинг қайд этишича, замонавий Туркманистон халқаро майдонда экологик фаровонликка қаратилган ташаббусларни тез-тез илгари сурмоқда. Булар қаторига Иқлим технологиялари бўйича минтақавий марказ очиш таклифи ҳам киради. Тахминан 80 миллион аҳоли истиқомат қиладиган, ноёб табиий ресурслар ва биохилма-хилликка эга, айни пайтда жиддий экологик таҳдидлар зонасида жойлашган минтақа учун БМТнинг бундай ихтисослаштирилган марказини ташкил этиш ташаббуси бугунги кунда яққол истиқболларга эга.

Нотиқ Туркманистон Омбудсман девонининг фаолияти давлат мажбуриятлари ва уларнинг амалий ижроси ўртасидаги муҳим боғловчи бўғин эканини, Девон экологик ҳуқуқлар ҳимоясини мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари мониторингининг умумий тизимига интеграция қилаётганини таъкидлади. Бундан ташқари, Девон экология кун тартибини амалга ошириш масалалари бўйича халқаро институтлар, жумладан БМТ ва ЕХҲТ агентликлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Қирғизистон Республикаси Омбудсман (Ақийқатчи) институтининг ёпиқ муассасаларга превентив ташрифларни амалга ошириш бўлими бошлиғи Эмилбек Ажибековнинг таъкидлашича, бугунги кунда, айниқса, глобал муаммолар, шиддатли технологик тараққиёт ва халқаро кун

тартибининг ўзгариши шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон қадр-қимматини таъминлаш, ижтимоий адолат ва барқарор ривожланиш масалалари биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб этмоқда. Айнан шунинг учун ҳам “Хитой — Марказий Осиё” ҳамкорлик шакли алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этади.

У Қирғизистон Республикаси Омбудсман (Ақийқатчи) институти инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини олиб борувчи мустақил конституциявий орган эканини қайд этди. “Фаолиятимизда ёпиқ муассасаларда, яъни озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қийноқ ва шафқатсиз муомаланинг бошқа шаклларини олдини олиш, шунингдек, инсон қадр-қиммати ва қонунийлик тамойилларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратамиз”, — деди нотиқ.

Эмилбек Ажибеков бу борада Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасида миллий превенция механизмларини такомиллаштириш, жиноят-ижроия тизимини инсонпарварлаштириш, инсон ҳуқуқлари мониторингида замонавий ёндашувларни жорий этиш ҳамда аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш масалаларида амалий тажриба алмашиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу боис Форум минтақавий мулоқотни мустаҳкамлаш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари бўйича биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқишнинг муҳим механизми сифатида кўрилмоқда.

Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппаратининг Инсон ҳуқуқлари кафолатлари бошқармаси бош мутахассиси Парвиз Олимзода Форумдаги нутқида таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқлари масаласи замонавий жамият тараққиётида алоҳида ўрин тутади ва уларга риоя этилиши барқарор ривожланишни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

“Демократик Тожикистон ҳар қандай қонун талаби акида эмаслигини, у вазият ўзгариши ва жамият ривожланиши билан ўзгариши кераклигини тан олади. Республика Конституциясининг 5-моддасида шундай дейилган: “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Улар давлат томонидан тан олинади, уларга риоя этилади ва улар ҳимоя қилинади”. Конституциянинг 10-моддаси эса республика ҳуқуқ тизимида конституциявий нормаларнинг олий кучга эга эканлигини тан олган ҳолда, Конституция нормаларига бошқа ҳуқуқ манбаларидан устунлик беради”, — деди тожикистонлик нотиқ.

Парвиз Олимзода мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим натижаларга эришилганини, хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни ратификация қилиш даражасининг юқорилиги, зарур миллий қонунчилик базасининг яратилгани, ўлим жазосини қўллашга мораторий жорий этилгани, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Бироқ, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Унинг фикрича, “Бу борадаги мақсадли ва доимий саъй-ҳаракатлар Тожикистон Республикаси ўз фаолиятини инсоннинг, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг юксак қадрияти масъулиятини англаш асосида изчил ривожлантириб бораётганидан далолат беради”.

Форум якунлари бўйича Якуний ҳужжат — минтақа мамлакатлари ўртасида инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги келгуси ҳамкорликнинг асосий йўналишларини акс эттирувчи “Тошкент ташаббуси” қабул қилинди.

Форум доирасида, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан Хитойнинг Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармаси ўртасида Англашув меморандуми имзоланди. Ҳужжатни ташкилотлар раҳбарлари – Акмал Саидов ва Ли Хункуй имзолади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизмати.

МЕРОСХЎРНИНГ МЕРОС МУЛКИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАГАНЛИГИ ВА УНДАН ВОЗ ҲАМ КЕЧМАГАНЛИГИ ЁКИ ИЖРО ҚИЛИШНИ ИМКОНИЯТИ ЙЎҚЛИГИ ОЛДИНДАН МАЪЛУМ БЎЛГАН СУД ҚАРОРИ ХУСУСИДА



Илҳом НАСРИЕВ,

Судьялар олий мактаби
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор

Сарлавҳани ўқиган одам мерос мулкини қабул қилмаслик ва бир вақтнинг ўзида ундан воз кечмаслик ҳам мумкин эканми, деб ўйлаб қолади. Ҳа, мумкин. Бу ҳолат мантиқсиз бўлсада бизнинг фуқаролик қонун ҳужжатларимиз бунга йўл қўяди. Континентал, англо-саксон, шунингдек, ислом ҳуқуқ тизимига кирувчи бирон-бир мамлакат қонунлари бунга йўл қўймайди. Хўш, бу нима дегани? Бундай механизм яхшими, ёмонми? Нега қонун чиқарувчи бундай йўл тутган? Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён? Бу борада шаклланиб бораётган суд амалиёти қандай? Қонуннинг бундай ёзилиши кимга керак бўлди-ю ва бу ҳолат қачонгача давом этиши мумкин? Қуйида шу хусусда сўз боради.

Мерос масалалари қадимда қандай тартибга солинган?

Азал-азалдан барча халқларда вафот этган кишининг мол-мулкини ворислик асосида мерос қолдиришнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб келган. Бу муносабатлар айниқса ислом динида жудаям мукаммал тартибга солинган бўлиб, унда



мерос қолдирувчи ҳаётлик даврида ўзининг вафотидан кейин унга тегишли бўлган мол-мулкни ҳаёт бўлган шахслар томонидан эгаллаш, қабул қилиш, фойдаланиш ёхуд тасарруф қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган аниқ ечимлар берилган. Исломда белгиланган шартлар мавжуд бўлсагина мерос ҳақиқий деб ҳисобланган.

Бу шартларга кўра биринчидан, мерос қолдирувчи ўлимининг содир бўлган бўлиши; иккинчидан, мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрнинг ҳаёт бўлиши ва, учинчидан, мерос олувчининг мерос қолдирувчига нисбатан ким эканлиги, яъни насаби аниқ бўлиши талаб этилган.

Шариат қоидаларига кўра марҳум қариндошлари узоқ-яқинлиги инобатга олинган ҳолда, яъни тегишли навбат билан улар мерос олишга чақирилганлар ва мерос ё кабул қилинган ёки ундан воз кечилган.

Собиқ Иттифоқ даврида мерос муносабатлари қандай тартибга солинган?

Мамлакатимиз собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврларда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан давлат мулки ташкил этганлиги сабабли фуқаролар амалда ҳеч қандай хусусий мулкка эга бўлмаганлар ва шу боис мерос қолдирилиши мумкин бўлган мол-мулкнинг миқдори жудаям чекланган ёки мол-мулкнинг ўзи мавжуд бўлмаган.

Шу сабабли бу борадаги қонун меъёрларининг ўрни бугунги кундагидек аҳамият касб этмаган.

Бугунги кунда мерос муносабатларини мукаммал тартибга солиш нима учун керак ?

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мулкчиликни барча шакллари тенг ҳуқуқлиги Бош қомусимизда эътироф этилди ва тарихан қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларининг ривожланиши ва тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида фуқароларимиз хусусий мулк эгаларига айландилар ва бу хусусий мулкларни авлоддан-авлодга ўтиши билан боғлиқ муносабатларни такомиллашиб бориши баробарида уларни тартибга солиш янада долзарб масалага айланиб бормоқда.

Меросга оид низоларни кўришда судлар асосан қайси ҳужжатларга таянади?

Хусусий мулкнинг авлоддан-авлодга ўтишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш 1997 йил 1-мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Шу билан бир қаторда ворислик ҳуқуқига оид қонун нормаларининг судлар томонидан амалда тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2011 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарори қабул қилинган.

Мерос билан боғлиқ низоларни судсиз ҳал қилиш имкониятлари қандай?

Умуман олганда бир тарафдан қонун-қоидалар қанчалар мукаммал бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам ворислар ўртасида мерос билан боғлиқ турли низоли вазиятлар, зиддиятлар ва ҳаттоки фожиали ҳолатлар содир бўлиб келган ва минг афсуски бундай ҳолатлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Судлар томонидан можароли вазиятларнинг олдини олиш, яқин қариндошларнинг бир-бирига душман бўлиб қолмаслиги учун низоларни тинч йўл билан одилона ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлари ҳам баъзан натижа берса баъзан натижа бермади. Судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг у ёки бунисига “мероснинг бир қисмини унга бер, бунга берма”, дея олмайди. Аммо бундай танлов мерос талашганларда низоларни ўзаро келишиб, судсиз ҳам ҳал қилиш имконияти ҳамиша мавжуд бўлади. Афсуски буни мерос талашганлар ҳамма вақт ҳам англаб етавермайди.



Низолашувчилар ўзаро келиша олмасалар суд низоларни қандай ҳал қилади?

Низолашувчилар ўзаро келиша олмасалар манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд низони қонунда белгиланган катъий қоидаларга таяниб ҳал қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда меросга оид низолар асосан фуқароларимизнинг амалдаги қонун талабларини билмасликлари туфайли келиб чиқаётган бўлса, айрим ҳолларда амалдаги қонунларимизнинг такомиллашмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда, бу ўз навбатида фуқароларимизнинг фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширилишига тўсиқ бўлмоқда, Айниқса бу мерос мулкини қабул қилиш ёки уни қабул қилишдан воз кечишга оид нормалар такомиллаштиришга муҳтож.

1997 йил 1-мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида мерос мулкини қабул қилиш ёки уни қабул қилишдан воз кечишга оид нормалар номукаммалми? Нега?

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14-сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг “Меросни эгаллаш” номли 69-бобининг “меросдан воз кечиш ҳуқуқи” деб номланган 1147-моддаси биринчи қисмига тегишли ўзгартиш киритилди. Ўзгартиш киритилгунга қадар меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли бўлган, киритилган ўзгартишга кўра муддатдан воз кечилди, шундан сўнг меросхўр исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли бўлди. Натижада меросхўрнинг меросни қабул қилмаслиги оқибатида вафот этган марҳумнинг кредиторлари манфаатига путур етишига йўл очилди. Энди меросни қабул қилгандан сўнг марҳумнинг кредиторига бу мулкнинг бир қисмини беришига тўғри келишини билган меросхўр уни қабул қилмасликка ҳақли бўлди, уни бу мулкни қабул қилишига ундовчи бирон-бир восита, усул қолмади. Ҳатто 2010 йилга қадар амалда бўлган тартибга кўра меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллаш-

га амалда киришган ё уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган ҳолларда меросдан воз кечиш ҳуқуқини белгиланган муддат ўтмасиданоқ йўқотган. Бу тартибдан ҳам ўшанда воз кечилди. Алқисса Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан бу модданинг 1-қисмига "Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли", деган мазмунда ўзгартиш киритилди ва амалдаги модданинг "Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотади", деган мазмундаги 1147-модданинг 5-қисми ҳам чиқариб ташланди.

Бу қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини ушбу суд амалиёти орқали тушунтирамиз.

Даъвогар Н. жавобгар Р.га нисбатан уни меросхўр деб топиш ва ундирувни мерос мулкига қаратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш талаби билан фуқаролик ишлари бўйича судга 2022 йил февралда мурожаат қилган (тарафлар номлари ва бошқа рақамлар ўзгартирилди).

Даъвогар Н. судда даъво талабларини қувватлаб, 10.10.2012 йилда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан Тошкент шаҳар "Сайқал" кўчаси 100-хонадонни И.дан 20 000 АҚШ долларига келишиб, 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни сотувчига нақд бериб, қолган 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни 31.12.2012 йилгача бериш шарти билан тилхат асосида сотиб олганлиги, нақд шаклида берган 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларга И.нинг ўғли, яъни унинг ишончли вакили Р. номига 10.10.2012 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 4-мавзе, 1 уй, 1-хонадонни сотиб олишганлигини, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 10.10.2016 йилдаги қарори билан 10.10.2012 йилдаги олди-сотди шартномаси бекор қилинганлиги, суднинг 10.10.2019 йилдаги қарори билан И.дан унинг фойдасига таъмир ишлари ҳаражатлари учун 130 млн. сўм ундирилганлиги, қарздор И. 2019 йилда вафот этганлиги, унинг меросхўри жавобгар Р. қасддан меросни расмийлаштирмасдан келаётганлиги боис жавобгар Р. ни қарздор И.нинг вафотидан сўнг унинг биринчи навбатдаги меросхўри деб топиб, ундирилиши лозим бўлган 130 млн. сўм пуллар ундирувини мерос мулки бўлган Тошкент шаҳар "Сайқал" кўчаси 100-хонадонга қаратишни сўраган ва суд томонидан хонадонни таъмирлаш учун қилинган сарф-ҳаражатларни ундириш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилган ва жавобгар И. дан даъвогар Н.нинг фойдасига 130 млн. сўм миқдорида хонадонни таъмирлаш учун қилган харажатлари ундириб берилган. Ҳал қилув қарори аппеляция ва кассация тартибида кўриб чиқилиб ўз кучига қолдирилган.

Суд ҳужжати билан ундирилган 130 млн. сўм қарздор томонидан тўлиқ қопланмаганлиги, жавобгар меросни қабул қилмай юрганлиги ва ҳуқуқий ворис бўлсада, марҳуманинг қарзини тўлиқ тўлашдан бош тортиб келганлиги сабабли даъвогар Н. даъво ариза билан судга такрор мурожаат қилиб Р.ни меросхўр деб топиш ва ундирувни мерос мулкига қаратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраган.

Меросхўрга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақли эканликларидан келиб чиқиб суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирган.

Суд аниқлашича, Тошкент шаҳар "Сайқал" кўчаси 100-хонадон марҳум номига давлат рўйхатидан ўтган. У 2019 йилда апрелда вафот этган ва унинг даъвогар олдидаги мажбуриятлари марҳумнинг ўғли Р. га ўтган, қонун бўйича биринчи навбатдаги бошқа меросхўрлар бўлмаган.

Суд Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддасида ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки



унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса қаратилмаслиги тўғрисидаги қоидага амал қилиб, меросхўрга бошқа бир турар жой мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги, у мазкур хонадонда доимий рўйхатда туришлиги ва истиқомат қилишлигини, низоли бўлган Тошкент шаҳар "Сайқал" кўчаси 100-хонадонда эса ҳеч ким яшамаслигини ва ушбу мулк унинг ягона уйи(квартираси) ҳисобланмаслигини инобатга олиб, даъвогарнинг ундирувни кўчмас мулкка қаратиш ҳақидаги даъво талабини асосли деб топган.

Ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар Р. томонидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари қаноатлантирилмаган.

Ижро қилишни имконияти йўқлиги олдиндан маълум бўлган суд қарори.

Масаланинг қизиқ жойи шундаки, жавобгар Р. кассация шикоятида у мерос мулкини қабул қилмаганлигини, онасининг мулки унга фактик ва юридик жиҳатдан ўтмаганлигини, мерос қабул қилингунга қадар онасининг мажбуриятлари бўйича жавоб беришга мажбур эмаслигини, меросни қабул қилиш учун ҳам, ундан воз кечиш учун ҳам муддат белгиланмаганлиги боис даъвога эътироз билдирган. Аммо шундай бўлсада суд ундирувни мерос мулкига қаратган.

Гап шундаки, Р. ворислигини тан олиб турибди, фақат у меросни қабул қилишни хоҳламаяти, холос. Чунки меросни қабул қилиш-қилмаслик амалдаги қонун бўйича меросхўрнинг ихтиёрида. Агар у меросни қабул қилса, қарзни тўлашга тўғри келишини билади, айнан шунинг учун ҳам у меросни қабул қилмаяпти. Буни суд ҳам билади, ҳатто мерос мулкига ундирув қаратилган қарорни ижро қилишни имконияти мавжуд эмаслигини ҳам билган, аммо даъвони қаноатлантирган. Қизиқ Р.ни қарздор, деб ҳисоблаш учун у ундирув қаратилаётган мол-мулкни эгаси бўлиши керак эмасми? Фикримизча, аввало суд қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши керак. Бизнинг мисолимизда қарор асосланти-рилган ва адолатли, лекин уни қонуний, деб бўлмайди чунки қабул қилинмаган мерос мулкига ундирувни қаратиш қанчалик тўғри бўлиб ҳисобланади. Судни ҳам тушунса бўлади, "ҳалол" тарафни ҳимоя қилмаётган қонунни "хато"сини тузатишга ҳаракат қилган кўринади. Ҳатто бугунга қадар ҳам меросхўр мерос мулкини қабул қилмаган бўлиши мумкин, керак бўлса қабул қилмайди



ҳам, чунки у бу билан қонунни бузаётгани йўқ, қонуннинг ўзи “бузуқ” соатга ўхшайди. Токи қонун мерос қабул қилишга ёки ундан воз кечишга муддат белгиламас экан, марҳумнинг кредиторлари ва бошқа манфаатдор шахслар ўз ҳақларини меросхўрдан ололмай сарсон бўлиб юраверадилар.

Бу масалада хорижий тажриба қандай?

Дунё мамлакатлари қонунчилиги ё Германия, ё Франция модулларидан бирига асосланади. Германия (немис) қонунчилиги бўйича меросдан воз кечиш қонунда белгиланган муддатда амалга оширилиши керак. Агар бу муддатда меросдан воз кечилмаса, мерос ўз-ўзидан меросхўр томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Немис қонунчилиги бўйича меросхўрга ворислик ҳуқуқи вужудга келганлигини ёки васиятнома мавжудлиги тўғрисида у билган ва билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ундан воз кечиш учун 6 ҳафта, агар шахс мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлса 6 ой муддат берилган (Германия Фуқаролик Уложенияси 1944 &). Германияда меросни қабул қилишдан воз кечиш судга мурожаат қилиш йўли билан ҳал этилади. Германия қонунчилиги бўйича белгиланган муддатда мерос ё қабул қилинади, ё уни қабул қилиш рад этилиши лозим.

Франция модули бўйича эса меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш мерос очилган вақтдан бошлаб 4 ой ичида расмийлаштирилиши керак. Белгиланган муддатда мерос қабул қилинмаса ва ундан воз кечилмаса вафот этган шахснинг кредиторлари, бошқа меросхўрлар ва тегишли давлат органлари меросхўрдан унинг тегишли қарорга келишини суд орқали талаб қилишга ҳақли ҳисобланадилар. Нима учун айнан шундай тартиб ўрнатилган?,- деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, вафот этган шахснинг кредиторлари ва бошқа меросхўрларнинг ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўймасликдир. Меросхўр меросни қабул қилар экан вафот эган шахснинг кредиторлари талабларини қаноатлантириши ёки меросдан воз кечиб мол-мулкни “осилиб” туришига барҳам бериши лозим бўлади.

Фуқаролик Кодексидан ўшанда муддатлар нега олиб ташланган?

Мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида муҳокама қилинган даврда мен депутат эдим. Муҳокамаси жараёнида бир гуруҳ депутатлар таклиф қилинаётган ўзгартиришлар қабул қилинса ворислик ҳуқуқи меъёрлари моҳияти ўзгариб кетиши ва бу ҳолат охир-оқибат бошқа шахслар-



нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилишини айтиб, лойиҳага қарши овоз беришга чақирдик.

Афсуски, қонун кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Муҳокама жараёнида ўша даврдаги Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан тушуниб-тушунмай “нотариатлар сейфлари мерос папкалари билан тўлиб кетганлиги, агар меросдан воз кечиш муддати олиб ташланса ҳеч ким ундан воз кечолмайди, мерос мулклари тезда ўз эгаларини топади”, деган жўн қарашлари билан депутатлар “ишонтириб” улгурган эдилар. Фикримизча, ўшандаёқ “чўмилтирилган чақалоқ тоғорадаги сув билан биргаликда улоқтириб бўлинган” эди.

Муддатни белгиланмаганлиги нимага олиб келади?

Меросни қабул қилиш ёхуд ундан воз кечиш муддатининг қонунчиликда белгиланмаганлиги фуқаролик–ҳуқуқий муносабати иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда ворислик ҳуқуқи институтига жиддий путур етказади. Буни юқоридаги каби ўнлаб суд ва нотариат амалиёти мисоллаида яққол кўриш мумкин. Муддатларни олиб ташланганлиги қарздорга яхши, кредиторга ёмон.

Нима қилмоқ керак?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан қонуний ҳаракат қилишлари назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар ўз ваколатлари доирасида бу хатони тузатиш мақсадида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб Қонунчилик палатасига зудлик билан киритишлари, бу орқали мерос мулкини қабул қилиш ёки ундан воз кечиш муддатларини қатъий белгилаш лозим бўлади, акс ҳолда ҳуқуқ ўзининг муносабатларни уйғунлаштиришдек муҳим функциясини бажара олмайди.

АЁЛЛАР ОРАСИДА ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

Сўнгги йилларда жамиятда фирибгарлик жиноятлари ҳақидаги хабарлар кўпайиб бормоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай ҳолатларда айрим аёлларнинг ҳам иштирок этаётгани кузатилмоқда.

Бу эса кўпчиликни: «Нега аёллар орасида фирибгарлик жинояти кўпайиб бормоқда?» деган савол ҳақида ўйлашга мажбур қилади.



Шу савол билан Чиноз тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг хотин-қизлар масалалари бўйича бош мутахассиси Нигора Азимовага юзландик?

-Аввало, фирибгарликнинг эркаги ёки аёли бўлмайди. Жиноятнинг илдизи инсоннинг маънавий таназзули, енгил йўл билан бойишга бўлган иштиёқи ва қонунга беписанд муносабати билан боғлиқ. Аммо бугунги кунда айрим аёлларнинг ҳам ушбу жиноят турига қўл уришига турли омиллар сабаб бўлмоқда.Аввало “Фирибгарлик ўзи нима?”деган савол туғилади.

Фирибгарлик — бу алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритишдир.

Иқтисодий қийинчиликлар шулардан бири ҳисобланади. Рўзғор ташвишлари, оилавий муаммолар, қарздорлик ёки тезроқ даромад топиш истаги баъзи инсонларни нотўғри қарор қабул қилишга етаклайди. Афсуски, ҳалол меҳнат билан эмас, балки одамларни алдаш орқали бойишни мақсад қилганлар ҳам учраб туради.

Яна бир муҳим омил — интернет ва ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалганидир. Бугун фирибгарлик қилиш учун одамнинг уйидан чиқиши ҳам шарт эмас. Турли сохта онлайн савдолар, пул тикиш ўйинлари, қалбаки инвестиция лойиҳалари ва ёлғон ваъдалар орқали инсонларни алдаш ҳолатлари кўпаймоқда.

Баъзан аёллар ҳам бу каби схемаларга билиб ёки билмасдан аралашиб қолмоқда. Шунингдек, енгил ҳаёт кечиришга бўлган ҳавас ҳам айримларни жиноят сари етаклайди.

Ижтимоий тармоқларда намойиш қилинаётган дабдабали ҳаёт, қимматбаҳо буюмлар ва тез бойиш ҳақидаги сохта тасаввурлар баъзи инсонларда «мен ҳам шундай яшашим керак» деган нотўғри фикрни шакллантириши мумкин. Натижада ҳалол меҳнат ўрнига осон да-

ромад излаш ҳолатлари пайдо бўлади.

- Айтингчи, фирибгар аёлга охир оқибат жиноятчи деган тамға босилади, шундай эмасми? Қонунларимизда қандай жазо бор.



- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси **“Фирибгарлик”** деб номланади.Унда содир этилган жиноятига қараб туриб жазолар белгиланган. Ҳар қандай фирибгарликнинг оқибати оғир. Бугун бировнинг ишончини суиистеъмол қилиб топилган маблағ эртага нафақат инсоннинг обрўсига, балки оиласи, фарзандлари ва яқинларининг тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

«Фирибгарлик орқали топилган бойлик вақтинчалик бўлиши мумкин, аммо унинг ҳуқуқий ва маънавий оқибатлари инсоннинг бутун ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Қонун олдида эса ҳар қандай фирибгарлик учун жавобгарлик муқаррардир.»

Буни олдини олиш чоралари борми?

- Албатта, аёллар ёки умуман фуқаролар орасида фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш учун бир қатор самарали чоралар мавжуд:

- Ҳуқуқий саводхонликни ошириш – аҳолига фирибгарликнинг турлари, унинг жавобгарлиги ва оқибатлари ҳақида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш.

- Бандликни таъминлаш – хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ноқонуний даромад манбаларига эҳтиёжни камайтириш.

- Молиявий саводхонликни кучайтириш – кредит, қарз, инвестиция ва онлайн тўловлар бўйича билимларни ошириш орқали инсонларнинг ҳам фирибгарга айланиши, ҳам фирибгарлар қурбони бўлиши эҳтимолини камайтириш.

- Оилавий тарбияни мустаҳкамлаш – фарзандларга ҳалоллик, виждон ва масъулият туйғуларини ёшликдан сингдириш.

- Ижтимоий тармоқларда профилактика ишларини кучайтириш – сохта онлайн савдо, ёлғон лотерея ва инвестиция схемаларининг хавфи ҳақида кенг тарғибот олиб бориш.

- Маҳалла ва жамоатчилик назоратини кучайтириш – оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни эрта аниқлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш.

- Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш – ҳалол меҳнатнинг қадри, жиноятнинг оқибатлари ҳақида таъсирчан учрашувлар, давра суҳбатлари ва тарғибот тадбирларини ташкил этиш. Энг муҳими, фирибгарликка қарши кураш фақат жазо чоралари билан эмас, балки инсонларнинг жиноят содир этишига олиб келадиган ижтимоий ва иқтисодий сабабларни бартараф этиш орқали самарали бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар орасида фирибгарлик жиноятининг учрашига иқтисодий қийинчиликлар, интернет орқали пайдо бўлган имкониятлар, ҳуқуқий саводхонликнинг етарли эмаслиги ва енгил бойиш истаги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Жамиятда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун маънавий тарбияни кучайтириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳалол меҳнатнинг қадрини ёшлар онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаётда ҳақиқий бахт ва барқарор фаровонлик фақат ҳалол меҳнат ва пок виждон билан қўлга киритилади.

Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгаши депутати, журналист Сурайё Аҳмедова ёзиб олди.

ORCID ID 0009-0002-4051-1318

FUQAROLARNING QULAY ATROF-MUHITGA EGA BO‘LISH HUQUQINI TA’MINLASHNING TASHKILIY MASALALARI VA YECHIMLARI

Qodirov Xursanali Nurali o‘g‘li,

Farg‘ona davlat universiteti, Huquqshunoslik fakulteti o‘qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur maqolada fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashning tashkiliy-huquqiy masalalari tahlil qilinadi. Unda ushbu huquqning konstitutsiyaviy e’tirofi, ekologik boshqaruv tizimi, davlat ekologik nazorati, ekologik ekspertiza, atrof-muhitga ta’sirni baholash, strategik ekologik baholash, jamoatchilik ishtiroki va ekologik axborot ochiqligining ahamiyati yoritiladi. Maqolada amaldagi tashkiliy-huquqiy mexanizmning ayrim muammolari — vakolatlarning tarqoqligi, idoralararo muvofiqlashtirishning yetarli emasligi, ekologik nazorat natijalarining ochiqligi pastligi, jamoatchilik ishtirokining ayrim hollarda formal tus olishi kabi masalalar tahlil qilinadi. Yakunda fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini real ta’minlashga qaratilgan ilmiy-amaliy takliflar ilgari suriladi.

Tayanch so‘zlar: qulay atrof-muhit, ekologik huquq, ekologik nazorat, ekologik ekspertiza, ekologik axborot, jamoatchilik ishtiroki, ekologik boshqaruv, strategik ekologik baholash, barqaror rivojlanish.

Kirish. Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqi bugungi kunda inson huquqlari tizimining muhim tarkibiy qismi sifatida qaralmoqda. Ekologik muammolarning inson hayoti, sog‘lig‘i, munosib turmush sharoiti va kelajak avlodlar manfaatlariga bevosita ta’siri mazkur huquqni faqat deklarativ norma sifatida emas, balki amalda ta’minlanishi zarur bo‘lgan kompleks huquqiy institut sifatida baholashni talab etadi.

O‘zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi Konstitutsiyasida har kimning qulay atrof-muhitga, uning holati to‘g‘risidagi ishonchli axborotga ega bo‘lish huquqi mustahkamlangani ushbu yo‘nalishda muhim konstitutsiyaviy asos yaratdi.[1] Biroq mazkur huquqning Konstitutsiyada e’tirof etilishi uning amalda to‘liq ta’minlanishini avtomatik ravishda kafolatlamaydi. Buning uchun davlat organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, xo‘jalik yurituvchi subyektlar, fuqarolik jamiyati institutlari va fuqarolarning o‘zaro hamkorligiga asoslangan samarali tashkiliy-huquqiy mexanizm zarur.

Shu nuqtayi nazardan, fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashning tashkiliy masalalari ekologik boshqaruv, davlat ekologik nazorati, ekologik monitoring, ekologik ekspertiza, atrof-muhitga ta’sirni baholash, strategik ekologik baholash, ekologik axborotdan foydalanish va jamoatchilik ishtiroki kabi vositalar



bilan bevosita bog‘liqdir.

Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini tashkiliy-huquqiy ta’minlash deganda mazkur huquqni amalga oshirishga xizmat qiluvchi davlat organlari tizimi, ularning vakolatlari, ekologik boshqaruv shakllari, nazorat va monitoring vositalari, ekspertiza tartib-taomillari, jamoatchilik ishtiroki, ekologik axborot almashinuvi va huquqiy javobgarlik choralarining o‘zaro bog‘langan majmui tushuniladi.

Mazkur mexanizmning asosiy vazifasi - atrof-muhitga zarar yetkazilishining oldini olish, ekologik xavf manbalarini aniqlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni ta’minlash, ekologik talablarga rioya etilishini nazorat qilish hamda fuqarolarning ekologik huquqlarini real himoya qilishdan iborat.

“Tabiatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonun tabiiy muhit sharoitlarini saqlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ekologik xavfsizlikni ta’minlash hamda tabiatga ehtiyotkorona munosabatni shakllantirishning huquqiy, iqtisodiy va tashkiliy asoslarini belgilaydi. [2] Mazkur qonun fuqarolarning qulay tabiiy muhitda yashash huquqini ekologik qonunchilik darajasida asoslab bergan muhim normativ manba hisoblanadi.

Biroq hozirgi bosqichda ushbu huquqni ta’minlashda faqat umumiy ekologik qonunchilik yetarli emas. Chunki ekologik xavf-xatarlar ko‘p tarmoqli xususiyatga ega: ular sanoat, qishloq xo‘jaligi, transport, shaharsozlik, energetika, suv xo‘jaligi, chiqindilarni boshqarish va boshqa sohalar bilan bog‘liq. Shu bois tashkiliy-huquqiy mexanizm idoralararo muvofiqlashtirish, ochiq ma’lumotlar tizimi, ekologik nazoratning samaradorligi va jamoatchilik ishtiroki bilan mustahkamlanishi kerak.

Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashda davlat ekologik boshqaruvi markaziy o‘rin tutadi. Davlat ekologik boshqaruvi deganda atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ekologik xavfsizlikni ta’minlash va ekologik qonunchilik ijrosini tashkil etishga qaratilgan davlat organlari faoliyati tushuniladi.

O‘zbekiston Respublikasida ushbu sohadagi maxsus vakolatli organ sifatida Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining institutsional o‘rni alohida ahamiyatga ega. Prezidentning 2023-yil 31-maydagi PQ-171-son qarorida vazirlik faoliyatining ustuvor yo‘nalishlari sifatida tabiatni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ularni qayta tiklash, ekologik xavfsizlikni ta’minlash, chiqindilar bilan ishlash, atmosfera havosini muhofaza qilish, muhofaza etiladigan tabiiy hududlar tizimini rivojlantirish va davlat ekologik nazoratini takomillashtirish kabi vazifalar belgilangan.[3]

Shu bilan birga, 2023-yil 31-maydagi PF-81-son Farmon ekologiya sohasidagi davlat boshqaruvi tizimini qayta tashkil etish va

ekologik boshqaruvning institutsional asoslarini mustahkamlashga qaratilgan. Bu hujjatlar fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashda maxsus vakolatli davlat organining tashkiliy maqomini kuchaytiradi.[4]

Biroq amaliyotda ekologik boshqaruv tizimi faqat bitta vazirlik faoliyati bilan cheklanmaydi. Ushbu sohada sog‘liqni saqlash, suv xo‘jaligi, qishloq xo‘jaligi, energetika, qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi, transport, favqulodda vaziyatlar, mahalliy davlat hokimiyati organlari ham muhim rol o‘ynaydi. Demak, qulay atrof-muhit huquqini ta’minlashning tashkiliy muammolaridan biri - vakolatli organlar o‘rtasidagi hamkorlik va axborot almashinuvini yagona tizimga solish zaruratidir.



Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqi davlat ekologik nazoratisiz real huquqqa aylana olmaydi. Chunki ekologik qonunchilik talablari bajarilmasa, atrof-muhitga zarar yetkazuvchi faoliyat vaqtida aniqlanmasa va uning oldi olinmasa, konstitutsiyaviy huquq deklarativ holatda qoladi.

“Ekologik nazorat to‘g‘risida”gi Qonunga ko‘ra, ekologik nazorat davlat, idoraviy, ishlab chiqarish va jamoatchilik ekologik nazorati shakllarida amalga oshiriladi.[5]

Bu yondashuv ekologik nazoratni faqat davlat organlari faoliyati sifatida emas, balki ko‘p subyektli boshqaruv mexanizmi sifatida tushunish imkonini beradi. Xususan, davlat ekologik nazorati maxsus vakolatli organlar tomonidan amalga oshirilsa, ishlab chiqarish ekologik nazorati xo‘jalik yurituvchi subyektlarning o‘z faoliyati doirasida ekologik talablarga rioya etishini ta’minlashga qaratiladi. Jamoatchilik ekologik nazorati esa fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolar tomonidan amalga oshiriladi.

Davlat ekologik nazoratini amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi Nizomda ushbu nazoratning asosiy vazifalari sifatida atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish sohasidagi qonunchilik talablari buzilishining oldini olish, uni aniqlash va unga chek qo‘yish belgilangan.[6] Bu holat davlat ekologik nazoratining profilaktik mohiyatini ko‘rsatadi.

Nazorat natijalarini ro‘yobga chiqarish shakllari ham muhimdir. “Ekologik nazorat to‘g‘risida”gi Qonunda ekologik nazorat natijalari bo‘yicha qonunchilik buzilishini bartaraf etish to‘g‘risida yozma ko‘rsatma berish, obyektlar faoliyatini cheklash yoki to‘xtatish bo‘yicha choralar ko‘rish kabi vositalar nazarda tutilgan.[7] Bunday choralar fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini himoya qilishda bevosita amaliy ahamiyatga ega.

Shunga qaramay, ekologik nazorat tizimida ayrim muammolar mavjud. Birinchidan, nazorat natijalarining jamoatchilikka ochiqligi yetarli emas. Ikkinchidan, idoraviy va ishlab chiqarish ekologik nazoratining real samaradorligi ko‘p hollarda xo‘jalik yurituvchi subyektlarning ekologik mas’uliyatiga bog‘liq bo‘lib qoladi. Uchinchidan, jamoatchilik ekologik nazorati natijalarining huquqiy ta’sir kuchi yetarlicha kuchli emas. Shu sababli ekologik nazoratni raqamlashtirish, nazorat natijalarini ochiq ekologik platformalarda e’lon qilish va jamoatchilik nazorati natijalarini majburiy ko‘rib chiqish tartibini kuchaytirish zarur.

Qulay atrof-muhit huquqini ta’minlashda ekologik ekspertiza va atrof-muhitga ta’sirni

baholash alohida ahamiyatga ega. Chunki ular ekologik zarar yuzaga kelgandan keyin uni bartaraf etishga emas, balki zararli oqibatlarning oldini olishga qaratilgan tashkiliy-huquqiy vositalardir.

2025-yil 24-fevraldagi “Ekologik ekspertiza, atrof-muhitga ta’sirni baholash va strategik ekologik baholash to‘g‘risida”gi Qonunda ekologik ekspertiza mo‘ljallanayotgan, rejalashtirilayotgan yoki amalga oshirilayotgan xo‘jalik faoliyatining ekologik talablarga muvofiqligini belgilash hamda ekologik ekspertiza obyektini ro‘yobga chiqarish mumkin yoki mumkin emasligini aniqlashga qaratilgan tartib-taomil sifatida ifodalangan.[8]

Mazkur qonunning muhim yangiligi shundaki, unda atrof-muhitga ta’sirni baholash va strategik ekologik baholash alohida institut sifatida mustahkamlangan. Strategik ekologik baholash davlat dasturlari, konsepsiyalar, ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish va rivojlantirish sxemalari, shaharsozlik hujjatlari kabi keng ko‘lamli rejalashtirish hujjatlarining atrof-muhitga ta’sirini oldindan baholash imkonini beradi.[9]

Bu yondashuv fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashda juda muhimdir. Chunki ekologik xavf ko‘pincha alohida korxona faoliyatidan emas, balki noto‘g‘ri rejalashtirilgan shaharsozlik, sanoat hududlari, transport infratuzilmasi yoki hududiy rivojlanish dasturlaridan kelib chiqadi. Demak, strategik ekologik baholash ekologik xavfning manbasini erta bosqichda aniqlash imkonini beradi.

Shuningdek, strategik ekologik baholash jarayonida jamoatchilik eshituvlari o‘tkazilishi, jamoatchilik o‘z fikrini erkin bildirish va takliflar kiritish huquqiga ega ekani belgilangan.[10] Bu norma ekologik ekspertiza tizimini jamoatchilik ishtiroki bilan bog‘laydi va qulay atrof-muhit huquqining protsessual kafolatlarini kuchaytiradi.

Qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqi ekologik axborotsiz amalda ta’minlanishi mumkin emas.

Fuqaro havo sifati, suv holati, chiqindilar, sanoat obyektlari, qurilish loyihalari, ekologik xavf manbalari va tabiat resurslaridan foydalanish haqidagi ma’lumotlarga ega bo‘lmasa, u o‘z huquqini himoya qila olmaydi.

Orxus konvensiyasi ekologik huquqlarni amalga oshirishda uch asosiy protsessual ustunni belgilaydi: ekologik axborotdan foydalanish, ekologik qarorlar qabul qilishda jamoatchilik ishtiroki va ekologik masalalar bo‘yicha odil sudlovga erishish.[11] Ushbu yondashuv ekologik boshqaruvning shaffofligi va hisobdorligini ta’minlashga xizmat qiladi.

BMT, UNDP, UNEP va OHCHR tomonidan tayyorlangan ma’lumotnomada ham sog‘lom atrof-muhitga bo‘lgan huquqni amalga oshirishda davlat majburiyatlari bilan bir qatorda fuqarolik jamiyati, ekologik huquq himoyachilari, biznes subyektlari, shaharlar va boshqa manfaatdor tomonlarning ishtiroki muhimligi ta’kidlanadi.[12]

Bu yondashuv qulay atrof-muhit huquqini faqat davlat organlari zimmasidagi vazifa sifatida emas, balki ko‘p subyektli ijtimoiy-huquqiy jarayon sifatida talqin qilish imkonini beradi.

Jamoatchilik ishtiroki ekologik qarorlarning sifatini oshiradi, ekologik xavflarni erta aniqlashga yordam beradi va davlat organlari faoliyatining legitimligini kuchaytiradi.

Biroq amaliyotda jamoatchilik muhokamalari ba’zan formal tus olishi mumkin. Masalan, jamoatchilikka axborot kech berilishi, loyiha hujjatlari murakkab tilda taqdim etilishi, takliflarning yakuniy qarorlarga ta’siri aniq ko‘rsatilmasligi kabi holatlar mavjud bo‘lishi mumkin. Shu sababli ekologik qarorlar qabul qilishda jamoatchilik ishtirokini kuchaytirish uchun aniq protsessual standartlar zarur.

Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashda quyidagi tashkiliy muammolar alohida ko‘zga tashlanadi.

Birinchidan, ekologik boshqaruvda vakolatlar turli davlat organlari o‘rtasida taqsimlangan. Bu tabiiy holat bo‘lsa-da, idoralararo muvofiqlashtirish yetarli bo‘lmasa, ekologik muammolarga javob berish sekinlashadi. Masalan, havo ifloslanishi transport, sanoat, energetika, shaharsozlik va sanitariya nazorati bilan bir vaqtning o‘zida bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Ikkinchidan, ekologik nazorat natijalarining ochiqligi yetarli darajada ta’minlanmasa, fuqarolar o‘z hududidagi ekologik xavf haqida to‘liq ma’lumotga ega bo‘lmaydi. Bu esa Konstitutsiyada belgilangan ishonchli ekologik axborotga ega bo‘lish huquqining amalda to‘liq ishlashiga to‘sqinlik qiladi.

Uchinchidan, jamoatchilik ekologik nazorati natijalarining huquqiy maqomi kuchsiz. Fuqarolar, nodavlat tashkilotlari yoki mahallalar tomonidan ko‘tarilgan ekologik muammolar vakolatli organlar tomonidan majburiy ravishda ko‘rib chiqilishi, ular yuzasidan asoslantirilgan javob berilishi va zarur



choralar ko‘rilishi kerak.

To‘rtinchidan, ekologik ekspertiza va strategik ekologik baholash natijalarining ijrosi ustidan monitoringni kuchaytirish zarur. Aks holda, ekspertiza xulosasi faqat rasmiy hujjat sifatida qolib, amaliy ekologik xavfsizlikka yetarli ta’sir ko‘rsatmaydi.

Beshinchidan, ekologik boshqaruvda raqamli ma’lumotlar bazalari va ochiq ekologik platformalar yetarli darajada integratsiyalashmagan bo‘lsa, ekologik axborotdan foydalanish huquqi amaliy jihatdan cheklanadi.

Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashning tashkiliy mexanizmini takomillashtirish uchun quyidagi yechimlar taklif etiladi.

Birinchidan, ekologik boshqaruvda idoralararo muvofiqlashtirishning yagona raqamli mexanizmini yaratish zarur. Unda havo, suv, tuproq, chiqindilar, shovqin, yashil hududlar, biologik xilma-xillik va ekologik xavfli obyektlar bo‘yicha ma’lumotlar yagona platformada jamlanishi lozim.

Ikkinchidan, davlat ekologik nazorati natijalarining ochiqligini oshirish kerak. Tekshiruvlar natijalari, aniqlangan huquqbuzarliklar, berilgan ko‘rsatmalar, qo‘llangan choralar va ularning ijro holati jamoatchilik uchun tushunarli shaklda e’lon qilinishi maqsadga muvofiq.

Uchinchidan, jamoatchilik ekologik nazorati natijalarini vakolatli organlar tomonidan majburiy tartibda ko‘rib chiqish mexanizmini kuchaytirish lozim. Jamoatchilik tomonidan kiritilgan taklif yoki ma’lumot bo‘yicha davlat organi belgilangan muddatda asoslantirilgan javob berishi va zarur holatda tekshiruv o‘tkazishi kerak.

To‘rtinchidan, strategik ekologik baholashni shaharsozlik, sanoat zonalari, transport infratuzilmasi, energetika va hududiy rivojlanish dasturlari uchun amaliy majburiy mexanizm sifatida kuchaytirish zarur. Ayniqsa yirik loyihalar bo‘yicha ekologik baholash jarayonida jamoatchilik eshituvlari real, ochiq va ta’sirchan bo‘lishi lozim.

Beshinchidan, ekologik ekspertiza xulosalarining bajarilishi ustidan keyingi monitoringni kuchaytirish kerak. Ekspertiza xulosasi berilgandan keyin obyekt faoliyati davomida undagi ekologik talablar bajarilayotganini tekshirish tizimli yo‘lga qo‘yilishi zarur.

Oltinchidan, mahalliy darajadagi ekologik boshqaruvni kuchaytirish lozim. Chunki ekologik muammolar ko‘pincha mahalla, tuman yoki shahar miqyosida yuzaga keladi.

Shuning uchun mahalliy hokimiyat organlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari va

jamoatchilik ekologik nazorati o‘rtasida doimiy hamkorlik mexanizmi shakllantirilishi kerak.

Yettinchidan, ekologik huquqiy madaniyat va ekologik ta’limni tashkiliy mexanizmning alohida elementi sifatida rivojlantirish zarur. Fuqarolar ekologik axborotni qanday olish, ekologik qarorlarga qanday ta’sir ko‘rsatish va ekologik huquqlari buzilganda qayerga murojaat qilishni bilishi kerak.

Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlash uning konstitutsiyaviy e’tirofi bilan cheklanmaydi.

Mazkur huquqni real amalga oshirish uchun samarali ekologik boshqaruv, davlat ekologik nazorati, ekologik ekspertiza, strategik ekologik baholash, ekologik axborot ochiqligi, jamoatchilik ishtiroki va sud-huquqiy himoya mexanizmlari o‘zaro uyg‘un ishlashi zarur.Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistonda ushbu huquqni ta’minlash uchun zarur normativ-huquqiy asoslar shakllangan.

Biroq ularni amalda samarali ishlatish uchun institutsional muvofiqlashtirish, ekologik nazorat natijalarining ochiqligi, jamoatchilik nazoratining ta’sirchanligi, ekologik ekspertiza xulosalarining ijro monitoringi va raqamli ekologik axborot tizimlarini kuchaytirish talab etiladi.

Shu sababli fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqining tashkiliy masalalarini hal etishning asosiy yo‘li - ekologik boshqaruvni ochiq, hisobdor, ilmiy asoslangan, jamoatchilik ishtirokiga tayangan va natijaga yo‘naltirilgan tizimga aylantirishdan iboratdir.

Ana shundagina mazkur huquq deklarativ konstitutsiyaviy norma sifatida emas, balki har bir shaxsning kundalik hayoti, sog‘lig‘i va munosib turmush sharoitini himoya qiluvchi real huquq sifatida namoyon bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023-yil 30-apreldagi yangi tahrir.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Tabiatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonuni. 1992-yil 9-dekabr, 754-XII-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 31-maydagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-171-son qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 31-maydagi “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasini transformatsiya qilish va vakolatli davlat organi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-81-son Farmoni.
5. O‘zbekiston Respublikasining “Ekologik nazorat to‘g‘risida”gi Qonuni. 2013-yil 27-dekabr, O‘RQ-363-son.
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 5-avgustdagi 216-son qarori bilan tasdiqlangan “Davlat ekologik nazoratini amalga oshirish tartibi to‘g‘risida”gi Nizom.
7. O‘zbekiston Respublikasining “Ekologik nazorat to‘g‘risida”gi Qonuni. 2013-yil 27-dekabr, O‘RQ-363-son.
8. O‘zbekiston Respublikasining “Ekologik ekspertiza, atrof-muhitga ta’sirni baholash va strategik ekologik baholash to‘g‘risida”gi Qonuni. 2025-yil 24-fevral, O‘RQ-1036-son.
9. O‘zbekiston Respublikasining “Ekologik ekspertiza, atrof-muhitga ta’sirni baholash va strategik ekologik baholash to‘g‘risida”gi Qonuni. 2025-yil 24-fevral, O‘RQ-1036-son.
10. O‘zbekiston Respublikasining “Ekologik ekspertiza, atrof-muhitga ta’sirni baholash va strategik ekologik baholash to‘g‘risida”gi Qonuni. 2025-yil 24-fevral, O‘RQ-1036-son.
11. Convention on Access to Information, Public Participation in Decision-Making and Access to Justice in Environmental Matters. Aarhus, 25 June 1998.
12. UNDP, UNEP, OHCHR. What is the Right to a Healthy Environment? Information Note. 2023.

UDC 378.147:37.091.3

THE ROLE OF AN INTEGRATIVE APPROACH IN DEVELOPING STUDENTS' PROFESSIONAL COMPETENCE

Bayxanova Nilufar Alisherovna,
TDAU, Tillar kafedrasi

Abstract. Professional competence has become one of the central goals of modern higher education. Today it is not enough for students to possess theoretical knowledge only; they must also be able to apply knowledge in practical and interdisciplinary contexts. Therefore, integrative approaches to teaching are gaining increasing importance. This article examines the role of the integrative approach in developing students' professional competence and discusses its pedagogical value. In my opinion, integrative learning helps connect theory with practice and promotes deeper understanding. The article analyses classroom strategies, interdisciplinary tasks, and collaborative learning models that support competence development. It is argued that integrative pedagogy increases learner motivation and better prepares students for real professional activity.

Key words: integrative approach, professional competence, higher education, pedagogy, interdisciplinary learning.

Main part. Professional competence is a complex concept that includes knowledge, practical skills, communication abilities, critical thinking, and professional responsibility. I think that competence cannot be formed through lectures alone.

Students need integrated learning experiences where they actively use knowledge in practice. Therefore, integrative pedagogy becomes especially valuable in higher education.

The integrative approach connects theoretical subjects with applied disciplines and practical tasks. For example, language learning can be combined with professional topics, project work, and case analysis. Furthermore, interdisciplinary projects allow students to work with real or realistic problems. In my opinion, such tasks develop not only subject knowledge but also decision-making and teamwork skills.

Another important element of integrative learning is problem-based instruction. Students are given a complex task that requires knowledge from several areas. Therefore, they must analyse, compare, and synthesize information. I believe that this process develops deeper understanding than isolated exercises. Furthermore, students become more independent and responsible for results.

Collaborative learning also plays a major role in integrative pedagogy. When students work in teams, they share perspectives and distribute responsibilities. In my experience, group projects increase engagement and simulate professional cooperation. Therefore, collaboration should be systematically included in course design. Assessment in integrative learning should also be integrative.

Traditional tests measure fragmented knowledge, but competence requires performance-based assessment. I think portfolios, project presentations, and practical demonstrations are more suitable. Furthermore, reflective reports help



students understand their own progress.

Teacher readiness is another critical factor. Integrative teaching requires planning, flexibility, and cooperation with colleagues from other disciplines. In my opinion, teachers should act not only as subject experts but also as learning designers. Therefore, professional development and methodological support are necessary.

Integrative approaches also increase student motivation. When learners see how knowledge connects with their future profession, they study with greater interest. Furthermore, relevance creates internal motivation, which is more stable than external pressure.

Conclusion. In conclusion, the integrative approach plays a significant role in developing students' professional competence. It connects theory with practice, combines disciplines, and reflects real professional conditions. I think that such an approach makes learning more meaningful and effective.

Furthermore, integrative pedagogy supports motivation, collaboration, and independent thinking.

Therefore, it should become a central principle in modern higher education. In my opinion, the future of professional training depends on how successfully educational systems implement integrative teaching strategies.

References:

1. Beane, J. (1997). Curriculum Integration. Teachers College Press.
2. Drake, S., & Burns, R. (2004). Meeting Standards Through Integrated Curriculum. ASCD.
3. OECD. (2019). Education and Skills for the Future. https://www.oecd.org
4. UNESCO. (2021). Futures of Education. https://www.unesco.org
5. Harden, R. (2000). The integration ladder. Medical Education Journal.

UDC 378.147:004:42

INTEGRATING ENGLISH LANGUAGE INSTRUCTION INTO SOFTWARE AND DIGITAL SKILLS TRAINING

Ruzibaeva Dilbar Alimovna,
associate professor, Tashkent State Agrarian University

Abstract. The rapid development of digital technologies has changed the structure of professional education and increased the importance of software literacy. At the same time, English remains the dominant language of most computer programs and digital platforms. Therefore, combining English language instruction with software training creates additional educational value. This article examines the pedagogical effectiveness of integrating English into computer software learning. In my opinion, such integration not only improves language competence but also strengthens practical digital skills. The paper discusses classroom models, task-based activities, and instructional strategies that support dual-focused learning. It is argued that integrated instruction increases learner motivation and prepares students more effectively for modern professional environments.

Key words: English for IT, software learning, integrated instruction, digital competence, pedagogy.

Main part.

Integrating English into software training creates a dual-learning environment where language and technical skills develop simultaneously. I think this model reflects real professional situations more accurately than separated instruction.

When students interact with software in English, they learn terminology naturally through use rather than memorization. Therefore, vocabulary acquisition becomes contextual and more stable.

One effective strategy is task-based instruction using real software interfaces. Students complete practical tasks such as installing programs, adjusting settings, or creating digital products while working with English-language menus and instructions.

Furthermore, teachers can design guided tasks where learners explain their actions in English. In my opinion, this strengthens both procedural thinking and communicative ability. Project-based learning is also highly suitable in this context.

Students can create digital projects — presentations, databases, simple websites, or reports — using English-language tools. Therefore, language becomes a working instrument rather than a separate subject. Furthermore, project work increases responsibility and engagement. Another useful method is guided technical reading. Students work with short software manuals or help pages. I believe this develops reading-for-purpose skills. Instead of translating every word, learners search for functional meaning. Therefore, they develop selective reading strategies that are important in professional life.

Teacher support remains essential. Integrated instruction requires careful scaffolding. In my opinion, teachers should pre-teach key terms, provide visual guides, and model task language. Furthermore, peer collaboration helps weaker students follow the process.



Assessment in integrated courses should measure both language and technical performance. Therefore, evaluation criteria may include task completion, clarity of explanation, and correct use of terminology. I think combined assessment reflects real competence more accurately.

Motivation is noticeably higher in integrated courses. Students often ask why they need English. When they see that software use requires English understanding, the answer becomes obvious. Therefore, motivation becomes internal and practical rather than formal.

Conclusion.

In conclusion, integrating English language instruction with software training is pedagogically effective and professionally relevant. It supports simultaneous development of digital and linguistic competence. I think this approach reflects modern workplace realities and increases student motivation.

Furthermore, integrated instruction encourages contextual learning, practical communication, and independent problem-solving. Therefore, it should be more widely implemented in higher and vocational education. In my opinion, such models represent the future direction of professional pedagogy.

References:

1. Warschauer, M. (2011). Learning in the digital age. Routledge.
2. OECD (2021). Digital Education Outlook. https://www.oecd.org
3. UNESCO (2023). Technology in Education Report. https://www.unesco.org
4. British Council. English for Technology contexts. https://www.teachingenglish.org.uk
5. Chapelle, C. (2017). Technology and second language learning. Wiley.

UDC 376

THE ROLE OF INCLUSIVE EDUCATION IN HOLISTIC STUDENT DEVELOPMENT: PEDAGOGICAL PERSPECTIVES AND STRATEGIES

Adilova Nilufar Axmadjonovna,
Tashkent state agrarian university, Languages department

Abstract. This research investigates the multidimensional impact of inclusive education on the social, emotional, and academic development of students in modern higher education settings. It explores the transition from integrated models to full inclusion, emphasizing the removal of systemic barriers for students with diverse learning needs. The article analyzes the role of the educator in fostering an equitable environment and the psychological benefits of inclusive classrooms for both typically developing students and those with special educational needs. The study concludes that inclusion is a prerequisite for building a democratic and empathetic society.

Keywords: inclusive education, student development, pedagogical strategies, social integration, equity in education, special educational needs.

Introduction. Inclusive education represents one of the most significant shifts in contemporary pedagogy, moving beyond the mere physical presence of students with disabilities in general classrooms toward a deep restructuring of the educational experience. It is based on the fundamental principle that every student has an inherent right to quality education that respects diversity and promotes individual potential. This article examines how inclusive practices contribute to the holistic development of students, preparing them for life in a pluralistic society where cooperation and mutual respect are paramount.

Theoretical frameworks of inclusion. The concept of inclusion is deeply rooted in the social model of disability, which posits that "disability" is not an individual medical condition but a result of societal barriers and exclusionary practices. In an educational context, this means that the deficit lies not within the student, but within an inflexible curriculum or inaccessible infrastructure. By adopting an inclusive framework, universities shift the focus from "fixing" the student to adapting the environment. This theoretical shift is crucial for fostering a sense of belonging, which is a primary driver of academic success and emotional well-being.

Inclusive education also draws heavily from the Universal Design for Learning (UDL). UDL provides a blueprint for creating instructional goals, methods, materials, and assessments that work for everyone—not a single, one- size-fits-all solution but rather flexible approaches that can be customized and adjusted for individual needs.

When educators implement UDL, they promote student development by providing multiple means of representation, expression, and engagement. This flexibility allows students to leverage their strengths while developing skills in areas where they may face challenges.

Social Constructivism further supports inclusion by emphasizing the importance of social interaction in cognitive development. In an inclusive classroom, students are exposed to a wider range of perspectives and life experiences. This diversity stimulates cognitive flexibility and critical thinking. Peer-to-peer learning becomes a powerful tool, where students with diverse abilities support one another, fostering a collaborative culture that mirrors real- world professional environments. This interaction is essential for developing the "soft skills" that are highly valued in the 21st-century workforce.



One of the most profound benefits of inclusive education is the development of empathy and social responsibility. When students from diverse backgrounds learn together, they begin to break down stereotypes and prejudices. Typically developing students learn to appreciate the resilience and unique talents of their peers with special needs, while students with disabilities gain confidence and social capital. This mutual growth creates a micro-society based on equity, which is foundational for student character development.

Emotional intelligence (EQ) is significantly enhanced in inclusive settings. Navigating a diverse social environment requires students to develop self- awareness, self-regulation, and interpersonal effectiveness. Inclusive classrooms provide a natural laboratory for practicing these skills. Research indicates that students who graduate from inclusive programs demonstrate higher levels of social competence and a greater capacity for inclusive leadership in their future careers. This development of EQ is just as important as academic achievement in the long- term success of the individual.

Furthermore, inclusion contributes to a positive self-identity for all students. For those with special educational needs, being educated alongside their peers reduces the stigma often associated with segregated "special education" programs. It reinforces the message that they are valued members of the community. For typically developing students, inclusion provides opportunities to take on roles as mentors and allies, which enhances their sense of purpose and social agency. This psychological empowerment is a critical aspect of student development during the formative university years.

Academic growth and pedagogical innovation. Contrary to the misconception that inclusion might "slow down" the academic progress of some students, empirical evidence suggests that inclusive settings often lead to improved academic outcomes for everyone.

This is largely due to the pedagogical innovations that inclusion necessitates. To meet the needs of a diverse classroom, teachers must move away from lecture-heavy methods toward active, differentiated, and multi-sensory instruction. These "best practices" benefit all learners, regardless of their starting point.

Inclusion also drives the integration of assistive technologies into the mainstream classroom. Tools such as speech-to-text software, digital organizers, and interactive visual aids,

originally designed for students with disabilities, are now recognized as effective study aids for the entire student body. This technological integration enhances the digital literacy of all students, preparing them for an increasingly tech-driven professional world. The pedagogical necessity of inclusion thus acts as a catalyst for overall educational modernization.

Challenges and strategies for implementation. Despite its clear benefits, the implementation of inclusive education faces significant hurdles, including inadequate teacher training, lack of resources, and persistent attitudinal barriers. Many educators feel unprepared to manage a diverse classroom, leading to frustration and resistance. Therefore, professional growth and continuous training are essential.

Teachers must be equipped with the skills to differentiate instruction and manage inclusive classroom dynamics effectively.

This aligns with the need for innovative pedagogical technologies as a factor of professional growth in higher education. Institutional support is another critical factor. Universities must commit to physical accessibility, provide specialized support staff, and foster a campus-wide culture of inclusion. This involves not only the teaching staff but also administration, support services, and the student body itself.

Creating "Inclusive Excellence" requires a systemic approach where equity is woven into the very fabric of the institution's mission and values. Without this top-down commitment, inclusive efforts risk being superficial and unsustainable.

Finally, the success of inclusion relies on ongoing assessment and flexibility. Educators must regularly evaluate the effectiveness of their inclusive strategies and be willing to adjust their approach based on student feedback and performance.

This iterative process ensures that the educational environment remains responsive to the evolving needs of the students. By prioritizing student voice and agency, institutions can create a truly inclusive ecosystem that supports the development of every learner.

Conclusion. Inclusive education is not merely a philanthropic gesture; it is a fundamental pedagogical strategy for the 21st century. Its role in student development is comprehensive, encompassing academic, social, and emotional growth. By embracing diversity as a strength rather than a challenge, higher education institutions can prepare their students to be empathetic, innovative, and socially responsible citizens. The transition to full inclusion requires courage, creativity, and a steadfast commitment to the professional growth of educators.

As we move forward, the focus must remain on the individual potential of every student.

The lessons learned in inclusive classrooms—collaboration, resilience, and respect—are the very skills needed to solve the complex global challenges of the future. By investing in inclusive education today, we are investing in a more equitable and prosperous world for tomorrow.

The journey toward inclusion is ongoing, but the rewards for student development and society at large are immeasurable.

References:

1. Umarkhodjayeva D. (2026). Innovative Pedagogical Technologies as a Factor of Professional Growth in Higher Education. Tafakkur Manzili, 2026-yil, Mart, 1-qism, b. 54–59.
2. UNESCO (2020). Global Education Monitoring Report: Inclusion and education: All means all. Paris: UNESCO.
В рамках осуществления Национальной программы подготовки кадров им разработаны и изданы программы по специальным дисциплинам: «Энтомология», «Биологическая защита растений» и другие. Впервые разработана программа и учебное пособие «Основы биоповреждений».

А.Ш.Хамраев всегда был инициатором и организатором научно-практических семинаров для молодого поколения ученых и специалистов Республики, проводимых на уровне мировых стандартов.

Несмотря на большую загруженность и занятость Аловиддин Шамсиддинович находил время участвовать с докладами и инновациями на конференциях и семинарах, проходивших не только в столице, но и в Нукусе, Андижане, Фергане, Намангане, Гулистане и др.

И сегодня, 9 мая в «День Памяти и почестей» хотелось бы вспомнить добрыми словами благодарности, великого ученого, внесшего неоценимый вклад в дело воспитания молодых учёных Узбекистана, чья жизнь является примером для молодого поколения страны, незабвенного Аловиддина Шамсиддиновича Хамраева и сердечного сожаления, что его нет с нами.

Кожевникова Алевтина,

д.б.н., профессор Ташкентского государственного аграрного университета, академик АН Турон.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июнда қабул қилинган ЎРҚ–1151-сонли Қонуни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мазкур қонун билан Жиноят кодекси ва бошқа айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, бу турдаги жиноятларга нисбатан жавобгарлик кучайтирилди. Сўнгги йилларда дунё миқёсида наркотик воситаларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилиши, тарқатилиши ва уларни молиялаштириш ҳолатлари жиддий хавф сифатида эътироф этилмоқда. Бундай жиноятлар нафақат инсон саломатлигига, балки жамият барқарорлиги ва ёш авлод келажагига ҳам катта таҳдид солади. Шу нуқтаи назардан, қабул қилинган қонун мазкур соҳадаги ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ёки қайта ишлаш мақсадида ноқонуний нарколаборатория ташкил қилиш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди. Эндиликда бундай қилмишни содир этган шахслар беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, халқ орасида “бангихона” деб аталадиган, гиёҳвандлик воситалари ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиш ва тарқатиш учун жой ташкил қилиш ёки сақлаш билан боғлиқ жиноятлар учун ҳам жазо чоралари кучайтирилди. Ушбу қилмиш учун уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига ҳомийлик қилиш, яъни уларни молиявий ёки бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш учун ҳам жиноий жавобгарлик жорий этилди. Бундай ҳаракатларни амалга оширган шахслар беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Шу билан бирга, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўғрилик, фирибгарлик ёки бошқа ғайриқонуний усуллар орқали эгаллаш билан боғлиқ жавобгарлик ҳам аниқлаштирилди.

Бундай ҳуқуқбузарликлар учун ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланиши мумкин.Мазкур қонуннинг қабул қи-линиши, аввало, наркотик моддаларнинг яширин ишлаб чиқарилишига қарши самарали курашиш, наркобизнесни молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашга чек қўйиш, аҳоли, айниқ-са, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш механизмларини янада кучайтириш мақсадларига хизмат қилади. Дарҳақиқат, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши муросасиз курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки бутун жамиятнинг муҳим вазифасидир. Зеро, соғлом авлод ва хавфсиз жамиятни таъминлашда қонун устуворлиги ҳамда жиноятчиликка нисбатан қатъий ёндашув ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу маънода, ЎРҚ–1151-сонли Қонун мамлакатимизда гиёҳванд-ликка қарши курашишнинг янги босқичини бошлаб бериб, жамият хавфсизлиги ва ёшлар келажагини муҳофаза қилишга хизмат қиладиган муҳим ҳуқуқий асос сифатида аҳамият касб этади.

Мусаев М.,
Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг судьяси,
Ахмедова С.,
Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгаши депутати.

ВЕЛОСИПЕД “ОВИ”ГА ЧИҚИБ...

23 ёшли Алексей Х. муқаддам қўли эгрилиги учун судланган. Бироқ у ўзига тегишли хулоса чиқармаган экан. Алексей Х. шу йил 27 май куни тахминан 16:30ларда Миробод тумани “Афросиёб” кўчаси ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг йўлагига кириб қаровсиз қолдирилган велосипедни ўғирлаб воқеа жойидан яширинган.

Ўғри велосипед эгасига 7.622.808 сўм миқдорда моддий зарар етказган. Ўша куни Алексей.Х. ярим тунда Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги хонадонларнинг бирининг олдидан 2.000.000 сўмлик велосипедни яширинча ўғирлаб кетган.

Велосипед “ови”га чиқан Алексей Х. жиноий ҳаракатларини 28 май куни ҳам давом эттирган. У “Сафдош” кўчасидаги хонадон олдида турган Ф.Хамраевга тегишли 1.900.000 сўмлик велосипедга ўтириб жуфтакни ростлаган.

Ҳеч нарсадан тафт тортмайдиган Алексей Х. “Кичик бешёғоч” кўчасида қаровсиз қолдирилган С.Фитисовга тегишли, баҳоси 2.400.000 сўмлик велосипедга ҳам “эгалик” қилган. “Ови” бароридан келаётган Алексей Х. яна жиноятга қўл урган. У 28 майдан 29 майга ўтар кечаси Чилонзор тумани “Чарх Камолон” кўчасида қаровсиз қолдирилган велосипедни миниб ортга қайтган. Шунингдек, у 30 май куни Шота Руставели кўчасидаги хонадонлардан бирининг олдидаги болалар майдончасида трос билан боғлиқ турган 1.000.000 сўмлик велосипедни ўғирлаб “қуён” бўлган.

Алексей Х. жиноий фаолиятини яна давом эттириб, 1 июнь куни “Космонавтлар” метросига кириш йўлагида турган М.Элмуродовга тегишли 1.500.000 сўмлик велосипедни ҳам ўғирлаб кетган. Унинг навбатдаги “манзили” Нукус кўчасидаги кўп қаватли уйга қаратилади. 3 июнь куни Алексей Х. 1.500.000 сўмлик велосипедни миниб, “ови” ўнгидан келганидан хурсанд бўлиб ортига қайтган.

Кўп ўтмай у ушланган. Суд мажлисида судланувчи Алексей Х. айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. Ўғирлаган велосипедларни номаълум шахсларга сотиб, пулни шахсий эҳтиёжларига сарфлаганини тан олди.

Велосипед “ови”га чиқиб, ўғирлик қилган Алексей Х. суднинг ҳукми билан 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Баҳодир Қаюмов,

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК

ИНСОННИНГ ҲАЁТИ ВА ЭРКИНЛИГИГА ДАХЛ ҚИЛАДИ

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ, қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-қаноатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса арзимаган гап-сўзлар, келишмоқчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.

Бироқ кейинги йилларда эр-хотин ўртасида содир бўлаётган жанжаллар барчамизда хавотир ва ташвиш уйғотади. Оммавий ахборот воситаларида дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар юз бераётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқимоқдамиз. Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зўравонликлар кишини чуқур ўйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётганлиги сабабларидан бири, деб пандемия даврида карантин чекловлари туфайли уйдан чиқишнинг имкони чегараланганлиги оқибатида юз берди, дейиш мумкин. Яна бир сабаб қўни-қўшниларнинг, тегишли идораларнинг карантин пайтида оилавий муаммоларга аралашувининг кескин пасайганлиги нохуш воқеаларни келтириб чиқарди. Қолаверса, менталитетимизга хос бўлган анъаналарга кўра, уйдаги жанжални кўчага чиқаришни хоҳламаймиз. Ана шу нарса ҳам аёлларга бўлган зўравонликни ҳам кучайтирди. Афсуски, андишага борилгани оқибатида ҳақорат ва зулм авж олди. Натижада аёлларимиз қийин вазиятга тушиб қолиб, ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига айтганларида “Ҳа, энди оилада бўлади-да” дейишлари ҳам аёлларнинг мунтазам хўрланишига олиб келмоқда. Оилавий зўравонликка бир оиланинг муаммоси ёки ташвиши деб қараш мутлақо нотўғри. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда ушбу муаммога қарши курашиб келинмоқда. Жабрдийдаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Бизда одатда эридан жабр кўрган аёл тегишли жойга арз қилмайди. Бу ҳолат аксарият зўравонларнинг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшашини ҳисобга олсак масаланинг нақадар оғирлигини англаш қийин эмас.

Таҳлиллар ҳуқуқбузарликларни асосан эркаклар содир этаётганини кўрсатаётир. Ушбу иллатга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларини ҳаёт тақозо этмоқда. Улар маҳаллаларда ва иш жойларида оилавий зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Иш шундай ташкил қилинса кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинарди.

Айтиш керакки, оиланинг тинчлиги, аҳиллиги, бахти биринчи галда ота-онага боғлиқ. Шундай экан, эркак ўз оиласида тартиб-интизом, ахлоқ, ўзаро илиқ муомалада ўрнак бўлса жамият ривож топади. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-қаноатли бўлиш керак. Ҳаёт синовлари ҳеч қачон оиладаги вазиятни чигаллаштирмаслиги, аксинча бир-бирини қўллаб-қувватлаш саодатга етаклашини унутмайлик. Оиламиз -муқаддас қўрғонда ҳамиша шоду хуррамлик бўлсин.

Бахтигул Матмуротова,

Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг судьяси.

“ТАБЛЕТКА” СОТИБ...

Маълумки, гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш оғир жиноят ҳисобланади. Ҳар йили бу “заҳри қотил” туфайли қанчалаб одамлар дунёдан кўз юммоқда, қанчаси ногирон бўлиб қолмоқда, яна қанчаси қамалиб кетмоқда.



Афсуски, бундан хулоса чиқармайдиганлар ҳамон учрамоқда. Судланганларнинг қарийб ҳаммаси гиёҳвандликнинг оғир жиноят эканлигини яхши билса-да жирканч ишга қўл ураётганлиги афсусланарлидир. Яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик.

Судланувчи И.Т. ёнида бўлган 9 дона “Тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи воситаларни Яккасарой тумани Шота Руставели кўчасида харидорга 300 АҚШ доллари эвазига сотган вақтида ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ушланган.

У суд жараёнида айбига қисман иқрор бўлди.

— Ўша куни менга Малика исмли қиз телефон қилиб, “Тропикамид” сотиб олмоқчи эканлигини айтди, — деди судланувчи И.Т. — Биз учрашиш жойини келишдик. Мен 9 дона “таблеткани” унга сотиб, пулни олиб кетаётганимда ички ишлар ходимлари ушлашди. Хато иш қилдим. Оқибатини ўйламабман. Енгилроқ жазо тайинлашингизни сўрайман.

Суд судланувчига жазо тайинлашда оилавий шароитини, пушаймонлигини ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Суднинг ҳукми билан И.Т.га иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Тубсиз жарлик — ажал чангалидан ўзимизни, яқинларимизни, жамиятимизни асраш учун ҳамиша уйғоқ бўлиш талаб этилади.

“Заҳри қотил”ни остонамизга асло яқинлаштирмайлик. Бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Зохиддин Нуриддинов,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг тергов судьяси.

МАҲАЛЛАДА
ЯРАШТИРИЛМАГАН ҚЎШНИЛАР

Кўпчилигимиз кўп қаватли турар жойларда яшаймиз. Қўшнилар билан йўлакда ёки уй атрофида учрашиб, сўрашамиз. Кириб-чиқиб, қадрдонлардек бўлиб кетамиз. Ҳатто битта йўлакдаги қўшнилар билан қуда-анда бўлиб кетганлар ҳам бор.

Баъзида эса бунинг акси ҳам бўлиб турар экан.

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Иброҳим ота маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи қўшнилар - Шарофат Ҳамроева билан Лобар Исоқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўртасидаги низо беш йиллик “тарих” га эга экан.

Гап шундаки, Шарофат Ҳамроева битта йўлакда яшовчи қўшниси Лобар Исоқовани мунтазам равишда ҳақорат қилган. Ҳатто уриб, дўппослаган. Натижада Шарофат Ҳамроева жиноий жавобгарликка тортилган. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Икки аёлнинг ҳам ёши катта. Улар керак бўлса ёшларга панд-насиҳат қиладиган, тўғри йўл кўрсатадиган, ўрнак бўладиган пайтидаги ҳолатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Яқинда Лобар Исоқова даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар мунтазам равишда жанжаллар чиқариб, уни ва оиласини ҳақорат қилишини, таҳқирловчи сўзлар билан обрўсига путур етказганлигини маълум қилди. 2025 йил 18 апрелда содир бўлган жанжалда профилактика инспекторини чақирган. Жавобгар унга таҳдид қилиб, уйидан олиб чиқиб, сочидан тортиб, урган. Шу ҳолат бўйича Шарофат Ҳамроева 25.11.2025 йилдаги суд ҳукми билан жиноий жазога тортилган. Судда маънавий зарарни ундириш масаласи бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш тушунтирилган. Шу боис шаъни ва қадр-қимматига путур етказганини, амалдаги қонунчилик талабларига асосан жавобгар маънавий зарарни қоплашини баён қилиб, суддан жавобгардан жиноят оқибатида етказилган 100.000.000 сўм маънавий зарар ва суд харажати ундиришни сўради.

Ўз навбатида Шарофат Ҳамроева ҳам маънавий зарар кўрганини баён қилиб, суддан жавобгардан 200.000.000 сўм маънавий зарар ва суд харажатини ундиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Лобар Исоқова жавобгар ва унинг синглиси оилавий тинчлигини бузиб, доимий равишда уни телефонга тасвирга олишини, бу тасвирларни ижтимоий тармоқларга жойлаб, обрўси ва шаънига путур етказувчи ҳақоратли, таҳқирловчи сўзларни тарқатиш билан шуғулланишини маълум қилди. Қўшнилар ва маҳалла аҳли ўртасида уни ёмонлаб, ҳулқи ёмон аёл сифатида таърифлашини, бу ҳолатлар мунтазам давом этишини, маҳалла вакиллари иштирокида бу масала бир неча марта кўриб чиқилганини, лекин ижобий ҳал қилинмагани сабабли судга мурожаат қилиб, сиқилишлари, оила аъзолари ва қўшнилари ўртасида обрўсизлантирилгани учун айбдор қўшнисидан маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Шарофат Ҳамроева даъво талабини тан олмади. Аксинча, қўшниси Л.Исоқова ҳулқи бузуқ, уйига бегона эркакларни олиб келадиган, қўшнилар ва оила аъзоларидан уялмайдиган, бу ҳақда унга танбеҳ берилганда эса, барча қўшнилар билан жанжаллашиб, уни ҳам ҳақорат қилиб, кекса ёшдаги онаси ва фарзандларини олдида обрўсига путур етказиб, унга ҳам маънавий зарар етказга-

нини, “рост гап туққанингга ҳам ёқмайди” нақл билан ростгўйлиги учун зарар кўрганини баён қилиб, уни қарши даъвосини қаноатлантиришни ва жанжалкаш қўшнисидан маънавий зарар ундириб беришни сўраган.



2025 йил 20 апрелда жавобгар Шарофат Ҳамроева ўзга шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан ижтимоий ахборот тармоғи орқали қасддан таҳқирлаш мақсадида, “телеграмм” мессенджердаги ўзига тегишли “Лола” номли аккаунтининг профилида қўшниси, даъвогар Лобар Исоқова фотосуратларини жойлаштириб, шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи сўзларни ёзган ва ҳақоратлаган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 4 ноябрдаги ҳукми билан жавобгар Шарофат Ҳамроева Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилиб, унга шу модда билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суд ҳукми билан жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Шу боис, жиноят оқибатида руҳий изтиробларни бошидан ўтказиб, маънавий зарар кўргани ва ўрталарида жанжаллар тугамаганлиги сабабли, даъвогар судга мурожаат қилган.

Суд даъвогар Лобар Исоқованинг даъво талабини муҳокама қилди. Жавобгарнинг содир қилган жинояти даъвогарнинг соғлиғи ва руҳий ҳолатига салбий таъсир қилган. Шаъни ва қадр-қиммати камситилганлигини ва даъвогар ҳақоратланганлигини, бу ҳолатлар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан тасдиқланганлигини, бундай ҳолатда даъво талаблари асосли ҳисобланишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига асосланиб, даъво талабини қисман қаноатлантириб, оқилоналик ва адолатлилик тамойилларига асосан жавобгардан етказилган маънавий зарар учун даъвогар фойдасига 8.000.000 сўм компенсация ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 72-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Шу билан бирга суд Шарофат Ҳамроеванинг қарши даъво талабини муҳокама қилиб, қарши даъвогар келтирган важлар юзасидан маънавий зарар етказилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим қилмаганлигини ва суд томонидан бундай асосларнинг мавжудлиги аниқланмаганлигини инобатга олиб, қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад қилишни лозим топди.

Кези келганида бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда кўп масала ва муаммолар маҳалада ҳал этиляпти. Суд мазкур фуқаролик ишини мазмунан кўриш жараёнида тарафлар ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида маҳалла фаолларига муҳлат берганди. Бироқ... Агарда анча “тарих”га эга қўшнилар ўртасидаги низо маҳалла раиси бошчилигида тарафлар ва фаоллар иштирокида муҳокама қилиниб, оқилона ечим топилиб, улар яраштирилганида эди, иш судгача етиб келмасмиди...

Дилноза Шоматова,

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьяси.

ШОҲМОТ ФИДОЙИЛАРИМИЗ ДАВОМЧИСИ ЭДИ...





Шоҳмот аталмиш қадимий ва мўъжизавий ўйинни шоҳмотчилар чиройли ўйинлари билан, билимдонлар теран таҳлиллари билан, мураббийлар яхши шогирдлар тайёрлаш билан, тарғиботчилар теран мақола ва китоблар ёзиш билан, ташкилотчилар турфа мусобақа ва тадбирлар уюштириш билан ривожлантиришга ҳисса қўшадилар. Бироқ, шундай ажойиб шоҳмот жонкуярлари ҳам борки, уларда юқорида таърифланган фазилатларнинг ҳаммаси мужассам бўлади. Улар барча даврларда шоҳмот фидойилари сифатида шарафланади.

Шукурки, шоҳмот тарихимизда шундай фидойиларимиз бўлгани учун юртимиз шоҳмоти ҳозирги кунда жаҳон миқёсида юксак мавқега эга. Биз шундай шоҳмот фидойиларимиз сифатида тўққизинчи асрда яшаган Абу Бакр ас-Сулийни, ўн тўртинчи асрда Амир Темур бобомиз саройида истиқомат қилган Али аш-Шатранжийни, бир аср илгари замонавий шоҳмот қоидаларини кенг тарғиб қилган тошкентлик Азмиддин Хўжаевни, ўтган асрнинг иккинчи ярмида юртимиз шоҳмоти муваффақиятларига пойдевор қўйган Мамажон Муҳиддиновни эҳтиром билан эслаймиз.

Сирдарёлик Маматқул Хайлаев ана шундай шоҳмот фидойиларимиз давомчиси эди десак, сира муболаға қилмаган бўламиз. У яхши шоҳмотчи эди, ФИДЕ спорт устаси талабини бажарганди. Жуда истеъдодли мураббий эди, бунинг учун биргина халқаро гроссмейстер Сарвиноз Қурбонбоевани тарбиялаганини эслашимиз кифоя. Билимдон тарғиботчи эди, газеталарда қизиқарли мақолалари чиққанди, телевидениеда шоҳмот кўрсатувларини олиб борарди, шоҳмотни ўрганувчилар учун китоб ёзганди, шоҳмот дарсликлари яратганди. Жонкуяр ташкилотчи эди, у кейинги йилларда Боёвут тумани, Сирдарё вилоятида ташкил этилган шоҳмот мусобақаларини уюштирарди. Бундан ташқари, Тошкентда ташкил этилган ижодкорлар ўртасидаги мусобақаларда ҳам мунтазам қатнашарди.

Маматқул 1970 йил 2 ноябрь куни Боёвут туманидаги қишлоқда туғилди. Яхшиям, шоҳмот жой танламайди, шаҳардами-қишлоқдами, чойхонадами-уй ёнидаги супадами шоҳмот ўйналаверади. Шу боис Маматқул ҳам болалигидан шоҳмот ўйнаётганларни кўриб улғайди, бу ўйинга қизиқиб қолди. Амакисидан шоҳмот ўйини сир-асрорларини ўрганди. Қишлоқдошлари билан шоҳмот ўйнай бошлади. Лекин яхши шоҳмотчи бўлиш учун яхши рақиблар, мураббий ва шоҳмот китоблари керак. Бу омиллар ҳамма қишлоқларда ҳам бор эмас.

Шукурки, истеъдод эзгу мақсад йўлида барча қийинчиликларни енгиб ўтади. Шоҳмотни севимли машғулотига айлантирган Маматқул ҳам шоҳмот китоблари топди, ўрганди, ўйинларни таҳлил қилди, туман ва вилоятда ўтказилган мусобақаларда қатнашди. Москвада чиқадиган шоҳмот газета-журналларига обуна бўлди. Тошкент Давлат техника университетида ўқиб юрган кезларида республика миқёсида ташкил этилган мусобақаларда қатнашишга имкон топди ва шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод талабини бажарди. Барибир, унга қанот ёзиши учун кенг осмон керак эди. У шоҳмот муҳити ҳавоси билан нафас олишни истарди.

Эсимда, 1992 йили “Спорт” газетасида ишлаётган вақтимда очиқ чеҳрали йигит тортинибгина кириб келди. Ўзини Маматқул Хайлаев дея таништирди, шоҳмот ҳақида мақола олиб келганини айтди. Мақолани кўздан кечириб, тиниқ фикрларидан мамнун бўлдим. Қизғин суҳбат қурдик, бир-икки партия шоҳмот ҳам ўйнадик. Суҳбат давомида унга газетамиз ўтказадиган шоҳмот танлови ташкилий ишлари ва ҳакамлигини зиммасига юкладим. У таклифимни ҳеч бир эътирозсиз қабул қилди. У вақтда шоҳмот масалалари диаграммасини тайёрлаш учун шоҳмот тахтаси расмига доналарнинг суратлари қирқиб олиниб, елимланарди. Биз унга керакли расмларни чиқариб бердик. Танловга 16 та топшириқ тайёрлашини, дастлабки тўрттаси соддароқ, кейингилари мураккаб бўлиши кераклигини тайинладик.

Газетамизда танловнинг иккита топшириғини беришимиз билан таҳририятимизга хатлар оқими ёғилди. Ҳар ҳафтада газетада иккитадан топшириқ бериб бордик. Жавоб хатларини тўплаб, Сирдарёдан келган Маматқулга бердик. Кетиш олдидан сўради: “Кўп юришли масалаларда дастлабки тўғри юришларни топганларга балл қўяйми?” Мен унга: “Шоҳмотда катта устунликка эга ҳам битта хато юриши туфайли ютқазади, демак, жавобни тўғри топганларгагина тегишли балл қўйинг”, – дедим. Тасаввур қилинг, юзлаб хатлардаги юришларни бирма-бир кўриб чиқиш учун қанча вақт кетади. У шундай сермашаққат ишни сидқидилдан бажарди. Танловда совриндорлар оз бўлди, лекин соз бўлди. Биз уларга таҳририятимиз дипломини, шоҳмот китоби ва шоҳмот даражасини бажаргани тўғрисидаги тасдиқномани жўнатдик. Бир киши йигирма йиллардан кейин мени таниб, “Мен “Спорт” газетасида ўтказилган ўша танловда шоҳмот даражаси олганман”, деди. Бу Маматқулнинг сермашаққат меҳнатлари самараси эди.

У бир куни ёнимга келиб, Чироқчи туманининг чекка қишлоғидаги ўртоғи уйланаётгани ва тўйида шоҳмот мусобақаси уюштираётганини айтиб, мени бирга боришга таклиф қилди. Мен тўй бўлаётган жойнинг узоқлигини билардим, лекин Маматқулнинг шоҳмотга нафи тегадиган бўлса Чироқчигагина эмас, Қўҳиқоф тоғига ҳам пиёда боришга тайёрлигини кўриб турардим. Хуллас, Чироқчи қайдасан дея йўлга тушдик ва тўйдаги шоҳмот мусобақасида ҳам қатнашдик. Қайтгач, тўйдаги шоҳмот мусобақаси тафсилотларини “Спорт” газетасида ёритдик. Кейин кўпчиликдан тўйларда шоҳмот мусобақаси ўтказилаётгани тўғрисида эшитдик. Ҳа, Маматқул шоҳмот ривожига нафи тегадиган ишни жон-дили билан бажарарди.

Албатта, бу даврда Маматқулнинг шоҳмотга оид кўплаб мақолалари газетамизда чоп этилди ва у жамоатчилик асосида қанча топшириқларимизни бажарди. Айниқса, 1999 йилги воқеа эсимдан чиқмайди. Ўша йили Қибрайда болалар ва ўсмирлар ўртасида катта мусобақа ўтказилганди. Таҳририятимиз мусобақанинг умидли қатнашчисига ўз мукофотини беришини эълон қилдик. Умидли қатнашчини аниқлашни Маматқулга юкладик. У барча ўйинларни диққат билан кузатиб борди. Мусобақа ёпилиш маросимидан анча олдин бордим ва ундан номзоднинг номини сўрадим. У тўққиз ёшли жиззахлик Юлдуз Ҳамроқуловани тавсия этди ва шоҳмот тахтасига доналарни териб, иккита ўйинида амалга оширган кўп юришли комбинацияларини кўрсатди. Биз комбинациялар чиройли бўлгани учун қайта-қайта кўрдик. Таҳририятимиз совринини тантанали равишда Юлдузга топширдим.

Ўшанда Маматқулнинг кўнгли тоза инсон эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Ахир, мусобақада дўстларининг фарзандлари ва ўзининг шогирдлари ҳам қатнашганди. Лекин Маматқул улардан бирини эмас, чиройли комбинацияларни амалга оширган Юлдузни тавсия этди. Йиллар ўтиб Юлдуз Ҳамроқулова

ўзбек қизларидан биринчи бўлиб, шоҳмот бўйича халқаро миқёсдаги спорт устаси талабини бажарганда Маматқулнинг ўткир нигоҳи чин истеъдодни эрта кўрганига тан бердим. Ҳа, Маматқул истеъдодларни кўришни ва уларни рағбатлантириш кераклигини юракдан ҳис қиларди.

Унинг ўткир нигоҳи ҳамюрти Сарвиноз Қурбонбоевадаги истеъдодни ҳам эрта кўрди, унга мураббийлик қилди. Сарвиноз кўп карра Ўзбекистон чемпиони бўлди, олдин халқаро миқёсдаги спорт устаси, кейин халқаро гроссмейстер талабини бажарди. Бу даврда Маматқулнинг қанча шогирдлари ва фарзандлари миллий спорт устаси, ФИДЕ спорт устаси даражасига эришди. Аммо ҳеч ким Маматқулнинг "Мен халқаро гроссмейстер ва қанча спорт усталари тайёрлаган мураббийман", деганини эшитмади. Ахир, у шоҳмот фидойиси эди, бу ишларга зиммасига юклатилган вазифадай астойдил киришарди.

Маматқул дастлаб Боёвут тумани, кейин Сирдарё вилояти шоҳмот терма жамоасига мураббийлик қилди. Унинг шогирдлари турли тоифадаги мусобақаларда юқори натижаларга эришди. Шоҳмот федерацияси масъуллари уни мамлакат ўсмирлар терма жамоасини бошқаришни топширишди. Эсимда, унинг мураббийлигида жаҳон биринчилигига борган ўсмирларимиз қўша-қўша медаллар олишди. Мусобақадан қайтган Маматқулнинг аэропортда берган интервьюсини телевидениеда кўрдим. У ўша-ўша, шогирдларини мақтади. Ҳеч ким ўсмирлар бу муваффақиятларга сизнинг мураббийлигингизда эришди дея эътироф этмади. Ҳолбуки, Маматқул мураббий сифатида истеъдодларни аниқ кўрарди, шогирдларига керакли вақтда, керакли сўзни айтишни биларди.

Мактаб ўқув дастурига синов тариқасида шоҳмот фан сифатида киритилди. Шоҳмот дарсликларини яратишдай машаққатли вазифа Маматқул зиммасига юкланди. Тўғри, ҳали юртимизда шоҳмот бўйича кўплаб дарсликлар яратилади. Бироқ, шоҳмот бўйича ўзбек тилида биринчи дарслик ёзган муаллиф сифатида Маматқул Хайлаев номи тарихимизда қолади... 2020 йили унинг яна бир орзуси рўёбга чиқди: Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида шоҳмот бўлимига талабалар қабул қилиш бошланди. У шоҳмот бўлимига ҳужжат топширган абитуриентлардан имтиҳон олди ва университетга қабул қилинган талабаларга шоҳмот дарсларини ўтди.

У дунёга коронавирус балоси хавф солган 2020 йил 28 сентябрь куни вафот этди... Қисқа умри давомида шоҳмот аҳлининг ҳурматини қозонди, ўнлаб шогирдлар тайёрлади, олий тоифали мураббий даражасига эришди, кўплаб шоҳмот китоблари ёзди, хизматлари муносиб тақдирланиб, давлатимизнинг "Шуҳрат" медали билан мукофотланди. Элимизда унинг номи ҳурмат билан эсга олиняпти, Гулистон шаҳрида Маматқул Хайлаев хотирасига бағишланган мусобақалар ўтказилаяпти. Тўғри, энди у орамизда йўқ, лекин у ёзган китоблар, тайёрлаган шогирдлари, хотирасига бағишлаб ўтказилаётган мусобақа қатнашчилари юртимиз шоҳмотини ривожлантиришга ҳисса қўшаяпти.

Ёдимда, Маматқул уйимизда меҳмон бўлганди. Кечлик тановулидан кейин хотиржам шоҳмот ўйнадик. Уч-тўрт партия ўйнаганимиздан кейин у меҳмоним бўлгани учун мени ранжитишни истамаётганини сезиб қолдим. Ҳа, у дунёга меҳмон эканини биларди, шунинг учун ҳеч кимни ранжитмай яшади, фақат яхшиликлар қилди. Муҳими, у дунёга қандай вазифани бажариш учун келганини ҳам биларди, шунинг учун юртимиз шоҳмотини ривожлантириш учун борини берди. Ахир, у юртимиз шоҳмот фидойиларининг собитқадам давомчиси эди. Умидим шуки, юртимиздан бу шонли анъанани давом эттирувчилар албатта чиқади!

Асрор Мўмин,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

КЎНГИЛНИ ЁРИТАДИГАН КИТОБ



Куни кеча Тошкент амалий фанлар университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи Даврон Улуғмуроднинг “Кун ботишдаги уй” китоби тақдимотига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан Тошкент амалий фанлар университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдусалом Вахитович Умаров очар экан жумладан шундай деди:

- Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерга берилиб кетди. Компьютер ҳозирги кунда кўпгина хонадонларга ҳам кириб келган. Исталган янгилигу ахборотларни бу воситалардан ҳоҳлаганча олиш мумкин. Ачинарлиси, бугун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм бадиий асар ўрнини босолмайди. Масалан, “Ўткан кунлар” романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди ...



Тошкент амалий фанлар университети ректори А. В. УМАРОВ

Даврон Улуғмуродовнинг Нормурод Норқобиловни “Четдаги одам” асари ҳақида ёзган эссесида “Бу адиб ва унинг феномени ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин, дейиш мумкин. Дейиш ҳам керак, ёзиш ҳам керак. Албатта, бошқалар. Негаки унинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса демайди, демаган ҳам. Бировларга ўхшаб буюртма қилиб юрмайди, ўзига эп кўрмайди. Нормурод аканинг характерини билган одам унинг асарларини ўқиса ундаги қаҳрамонлар ёзувчининг ўзими, ўзини ёзганми деб ўйлаб қолади. Нормурод Норқобиловни

озми-кўпми яқиндан билганим учун бу гапни айтяпман, ва қайсидир маънода ҳақман деб ўйлайман. “Четдаги одам” ҳикояси гапимнинг исботи. Ҳикояда бир персонаж бор”, деб ёзади. Энди манга айтингларчи бу ердаги сўзларни Даврон Улуғмуродовга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин эмасми, ахир.

Мухтасар қилиб айтганда, ёзувчи, педогог Даврон пегогог кадрларни тайёрлашда яна бир маҳоратидан, “мен каби қил (бажар)” услубидан усталик билан фойдаланган, ўз талабаларига нафақат илм балки тарбия беришда бу китоби катта аҳамият касб этади дея оламиз.



Муаллиф оналари билан

Тақдимотда Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети, “Жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Узоқ Жўрақулов, филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев, “Шуҳрат” медали соҳибаси, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зиёда Ғаффорова, таниқли ёзувчи Орзиқул Эргашев иштирок этдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети, “Жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Узоқ Жўрақулов шундай фикрларни билдирди: “Қўлингиздаги китобнинг илк саҳифасидан ўрин олган ҳикоя Давроннинг марҳума онаси ҳақида.

Она вафоти, айрилиқ ғамлари, она олдидаги қарздорлик ҳисси, пушаймонлик, ўз-ўзини маломатлаш, бир қарашда Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги сентиментал пафосни ёдга солади. Аммо Даврон ўз онасини самимий тасвирлагани боис ҳикоя қаҳрамони ўзигача адабиёт дунёсига кириб келган бирор она характерини такрорламайди, бошқа адабий “она”ларга ўхшамайди.

Она ўхшамаганидан кейин, ўз-ўзидан, ўғил – маллиф, ҳикоянавис ҳам, бошқа ўғиллар образини такрорламайди. Давроннинг “она”си ўта камсуқум, ҳаддан зиёд тортинчоқ, жуда содда ва меҳрибон она. Шу жиҳатлари билан у янги бир она образи. Шу жиҳатлари билан ўқувчини ўзига тортади, ишонтиради, соғинтиради.



Минбарда китоб муаллифи Даврон Улуғмуродов

Китобдан жой олган энг катта асар – “Кунботишдаги уй” қиссаси марказида муаллифнинг ўзи туради. Муаллиф эллик ёш устида туриб, шу юксакликдан ўтган умрининг ҳар бир босқичига назар солади, ҳаёт йўлини тафтиш этади. Қувончли, қайғули, оддий ва ғайриоддий хотираларга қайтади. Ота, она, амаки, амма, ака, опа, ука, почча, қўшни, устоз ҳақидаги хотираларга таяниб воқеаларни, воқеалар негизида одам образини бадиий акс эттиради. Ўз биографиясининг бадиий тархи – харитасини чизади. Ўқувчини шу харита бўйлаб сафарга чорлайди. Даврон-нинг қишлоқ манзаралари, боғ-роғлари, ариғу ирмоқлари, қўй-қўзилари бўйлаб ўтадиган умр йўли ўқувчига бегона туюлмайди, ғашини келтирмайди, ёлғон туюлмайди. Айни пайтда, фикрлашга, ҳис этиш ва ҳамдардликка чорлайди. Ўзига эргаштириб “Кунботишдаги уй” томон олиб кетади.

Таржималар хусусида эса шуни айтиш мумкинки, танланган уч ёзувчи ва уларнинг уч асари ҳам дунё китобхонлари томонидан тан олинган. Шубҳасиз, ҳар учала ҳикоя бадиий жиҳатдан юксак, уларда умуминсоний пафос, гуманизм ва метафора уйғунлашиб кетган. Даврон Улуғмурод эса қўлидан келганча шу уч ҳикоя жозибаси ва мазмунини сақлаб қолишга уринган. Ўзи бадиий лаззат олган асарларни ўзбек ўқувчисига етказишдек хайрли мақсадни олдига қўйгани боис, худди қисса ва ҳикоялари сингари таржималари ҳам самимий, юқумли чиққан десак, сира ҳам янглишмаймиз”.



Тадбир иштирокчилари (ўнгдан) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Муҳиддин Абдусамадов, таниқли шоир ва ёзувчилар Орзиқул Эргашев, Асрор Мўмин, Маҳмудхон Тоиров.



Даврон Улуғмурод пок юракли, иймондиёнатли, меҳнаткаш, заҳматкаш йигит. Қай бир ишга қўл урса, чин юракдан киришади. Ўз олдига қўйган вазифани ҳалол, виждонан бажаради. Энг муҳими, у ўта самимий, демакки самимият сирларидан воқиф инсон. Муаллифнинг бундан кейин ҳам миллатга, миллий адабиётга шу самимийлиги қадар юксак асарлар туҳфа этишига ишонамиз.



Тадбир давомида Анвар бахши Бўронов томонидан ижро этилган термалар тадбирга алоҳида файз киритди ва иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирни олиб борган филология фанлари доктори Шуҳрат Ҳайитов тадбирга якун ясар экан асар муаллифи Даврон Улуғмуродовга ижодий баркамоллик тилади.

Маҳмудхон ТОИРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Qonun ustuvorligi — adolat va taraqqiyot mezoni!

HAYOT & QONUN

Ijtimoiy-huquqiy, siyosiy, agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal
Socio-legal, political, agrarian-economic, and popular science journal

Jurnal chorakda bir marta chop etiladi.

Muassis:

- O'zbekiston Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- **"HAYOT VA QONUN"** mas'uliyati cheklangan jamiyat

Hamkor tashkilotlar:

- Inson huquqlari bo'yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi
- O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy Sudi
- O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi
- O‘zbekiston Qishloq xo'jaligi vazirligi
- O‘zbekiston Respublikasi Bosh Prokroturasi
- O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudi

O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat inspeksiyasi tomonidan 2026-yil 8-iyunda №1630914-sonli raqam bilan ro'yxatga olingan

Nashr indeksi: 1429

Tahririyat manzili:
100068, Toshkent shahar,
Beltepa ko'chasi 29-uy, 3b/19
Tel/faks: +998 97 480-34-82.
Tel: +998 88 020-34-87.

Jurnal **"HAYOT va QONUN"** MCHJ kompyuter markazida sahifalandi.

Chop etiladi: 26.06.2026-yil.

Guvohnoma raqami: №3162291
2026-yil 16-martda berilgan.

Qog‘oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 01.
Adadi: 2520 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Beltepa ko'chasi, 29-uy.

Tahririyatning nuqtai nazari muallifnikidan farq qilishi mumkin

MUNDARIJA

Prezident Shavkat Mirziyoyevning matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlariga tabrigi 2
Хитой ва Марказий Осиё давлатлари инсон ҳуқуқлари масалаларига яқин нуқтаи назардан ёндашади 4
Насриев И. Меросхўрнинг мерос мулкини қабул қилмаганлиги ва ундан воз ҳам кечмаганлиги ёки ижро қилишни имконияти йўқлиги олдиндан маълум бўлган суд қарори хусусида 10
Ахмедова С. Аёллар орасида фирибгарлик жинояти нега кўпаймоқда? 17
Qodirov X. N. Fuqarolarning qulay atrof-muhitga ega bo‘lish huquqini ta’minlashning tashkiliy masalalari va yechimlar 19
Bayxanova N. A. The role of an integrative approach in developing students’ professional competence 25
Ruzibaeva D. A. Integrating english language instruction into software and digital skills training 27
Adilova N. A. The role of inclusive education in holistic student development: pedagogical perspectives and strategies 29
Azizova Z. R. Advancing linguistic competence through digital ecosystems in higher education 32
Norova B. Y. Inclusive education as a path to equal opportunities 35
Baykhanova N. A. Learner diversity in english language classrooms: challenges and strategies 38
Rashidova N. M. Creating supportive learning environments in inclusive education 40
Taxirova M. A. Creating supportive learning environments in inclusive education: strategies for higher education 43
Turdieva K. U. Psycholinguistic characteristics of language acquisition in an online learning environment 46
Ахмедова Д. Х., Мадаминов М. Ш., Норбоева С. М., Каххарова Р. Н., Абдумуминова М. Н. Биологический контроль вредителей хлопчатника в экологически устойчивых системах интегрированного управления вредителями 48
Genjemuratov A. S. Influence of soil moisture on the growth and development of cotton under different irrigation 50
"Go‘zal Vatan" xalqaro yoshlar festivali 54
Таиров М. Жизнь в рукописях… 55
Кожевникова А. Г. Ни одна минута жизни не прошла бесполезно 59
Мусаев М., Ахмедова С. Гиёҳвандликка қарши курашда янги босқич 60
Қаюмов Б. Велосипед “ови”га чиқиб..... 61
Матмуротова Б. Оилавий зўравонлик инсоннинг ҳаёти ва эркинлигига дахл қилади 62
Нуриддинов З. “Таблетка” сотиб..... 61
Шоматова Д. Маҳаллада яраштирилмаган қўшнилар 64
Асрор Мўмин. Шоҳмот фидойиларимиз давомчиси эди... 66
Тоиров М. Кўнгилни ёритадиган китоб 69